

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

Ўзбекнинг халқчил шоири

Муҳаммад Юсуф таваллудининг
60 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2014

91.9:83

Ў-16

Илмий методика ва тадқиқот хизмати томонидан тайёрланди

Тузувчилар
Муҳаррир

Л. Нарзиев, Ш. Раҳимова
Шукур Қурбон

Ўзбекнинг халқчил шоири: Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан: методик-библиогр. қўлланма / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси ; тузувчилар : Л. Нарзиев, Ш. Раҳимова ; муҳаррир Ш. Қурбон. – Тошкент : Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2014. – 93 б.

КБК 91.9:83+83.3(5Ў)

Ушбу методик-библиографик қўлланма Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган бўлиб, унда шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар ҳамда ахборот-кутубхона муассасаларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми, адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланма шоир ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилишда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ҳамда кутубхона мутахассисларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Қўлланмадан мутахассислар ва шоирнинг фаолиятига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2014 й.

СЎЗБОШИ

*Муҳаммадҷон ноёб истеъдод
эгаси, одамларга меҳрибон, софдил,
мард ва камтарин инсон эди. Унинг
ёрқин хотираси барчамизнинг
қалбимизда доимо сақланади.*

Ислом Каримов

Истибоддод исканжаларидан озод инсон қалб кечинмалари бутун ранг-баранглиги билан тараннум этилаётган мустақиллик даври адабиёти ҳақида сўз юритганда, беихтиёр, ана шу давр адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижоди ёдимизга келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳам айнан Истиқлол даври адабиётига бўлган эътибор ифодасидир. Қарорда таъкидланганидек, Муҳаммад Юсуф миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришга ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган, бугун ҳам асарлари орқали ўқувчилар қалбида ҳайрат ва ҳаяжон уйғотиб келаётган ижодкор.

Манзили ва мақсади аниқ карвонда юксиз уловнинг ўзи бўлмайди. Худди шундай, Муҳаммад Юсуф кўнглидан эл қалбига йўл олган сўз карвонининг ҳар бир сатрида она-Ватан – Ўзбекистонга бекиёс меҳр-муҳаббат, эл хизматиغا камарбасталик, заҳматкаш ва улуғ ўзбек халқига чин фарзандлик эҳтироми,

самимият ва жўшқин эҳтирос билан йўғрилган маъно, оҳанг, ранг ва жозоба мужассам.

Муҳаммад Юсуф шеърятни мардона ва ўзбекона шеърят. Унинг ҳар бир асари ижодкор шахси ва шеъри ялакат мағиз каби тугал бир қиёфа касб этганида нечоғли таъсирчан кучга айланишга қодир эканини намойиш этиб туради. У мамлакатимиз озодлигини, ҳеч иккиланмай, Қодирий ва Чўлпон каби улуг ижодкорларнинг кўксини куйдириб кетган буюк армон ижобати сифатида қабул қилди. Шу боис бутун борлигини, истеъдодини Ватан мадҳини тараннум этишга бағишлади. Ҳақиқат шуки, она-Ватанга муҳаббат мавзуида Муҳаммад Юсуф қадар кўп ва хўб ёзган шоирлар санокли. Муҳаммад Юсуф ана шундай ўтли меҳр, жўшқин рух, беғубор самимият, камтарона одоб билан мудом эл орасида бўлди, ўктам шеърятнинг ўктам шоирининг умри ҳам эл ичида ниҳоя топди.

Муҳаммад Юсуф ижодига хос яна бир мафғункор хусусият – бу унинг шеърятида олтин ёмбидай ярқираб турувчи соддалик, халқоналик. Унинг ҳар сатри, ҳар байти, бир қарашда оддий, аммо теран, образли мушоҳадалар билан зийнат топган. Бирон бир шеърида мижғов гаплар, мубҳам туйғулар, чучмал иборалар, нурсиз кечинмаларни учратмайсиз. У ҳеч қачон майда туйғуларга берилмайди. Фикр – салмоқли, ифода – оҳорли, туйғу – ёрқин.

Муҳаммад Юсуф ҳаётни бутун мураккабликлари билан идрок этади, жамиятдаги ва одамлардаги иллатлар, ноқисликлардан ҳам кўз юммайди. Асл шеърят ўзи шундай: бамисоли мусаллас – ҳам ширин, ҳам тахир, аммо ёқимли.

Президент қарори асосида ҳукуратимиз ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган “Адабиёт кунлари”да шоир ижодига хос бу каби фазилатлар хусусида атрофлича ва батафсил сўз юритилиши шубҳасиз.

Юксакликдан туриб янада юксакроқ манзилларни кўзлаш мумкин. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърляти миллий ўзликни англаш, озод ва обод Ватанни тараннум этиш, оқсут бериб улғайтирган она халққа бутун умр садоқат билан хизмат қилиш борасида ёш авлод учун бундан буён ҳам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилажак.

Ушбу методик-библиографик қўлланма орқали ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар мутахассисларига Муҳаммад Юсуф асарларини янада кенгрок тарғиб қилишни, таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан турли хил оммавий тадбирлар ўтказишларини маслаҳат берамиз.

Муҳаммад Юсуф биобиблиографиясини тузишда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фонди, каталог ва картотекалари тизими, “Ўзбекистон матбуоти солномаси”, Бухоро вилояти ахборот-кутубхона маркази, Фарғона вилояти ахборот-кутубхона маркази каталог ва картотекаларидан фойдаланилди.

Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига бир назар

Ўзбек адабиёти шундай чаманзорки, унинг бўстонида гул кўп, чечак кўп. Бу бўстонда бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини такрорламайдиган дилбар шоирлар авлоди қайта-қайта бўй чўзаверади. Ана шундай бетакрор шоирлардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон халқ шоири, халқимизнинг булбулзабон фарзанди Муҳаммад Юсуф эди. У 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат (1898 йилда машҳур Дукчи Эшон кўзғолони бўлиб ўтган Мингтепа) туманидаги Қовунчи қишлоғида оддий заҳматкаш одамлар оиласида туғилди. Мана шу қишлоқда беғубор болалиги, шўх-шодон ўсмирлиги ўтди. Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен – Шу юртда туғилдим, шу юртда ўсдим. Агар дўстим бўлса битта у дўстим – Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен!.. Ёдимда ўт тушсин, этмасам ёдлар – Дукчи эшонлари қилгай фарёдлар. Уни тавоф этган Машрабдек зотлар, Нечун қуллуқ қилмай Андижонга мен, – деб ёзади кейинчалик шоир. Ўрта мактаб таълимини олгач, Муҳаммад Юсуф Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга киради ва уни 1978 йилда битиради. Унинг дастлабки шеърларидан намуналар 1976 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги саҳифаларида чоп этилганди. Бу пайтлар ўзбек шеърляти ўзининг янги юксалиш поғонасига кўтарилган, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон сингари кўплаб истеъдодлар орасида ўзига хос ижодий мусобақа авжга чиққан эди. Бу ижод даврасига дадил кириб бориш, ўзига мос ўринни эгаллаш осон иш эмас эди. Бу ишнинг урдасидан чиқа олган адабий жамоатчилик назарини ўз томонига қарата олган шоирлардан бири Муҳаммад Юсуф бўлди. Ёш ижодкор 1978–1980 йилларда республика “китобсеварлар” жамиятида, 1980–1986 йиллар оралиғида пойтахтнинг “Тошкент оқшоми” газетасида, 1986–1992 йилларда эса, Ғафур Ғулом номидаги

Адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилади. Мана шу нашриётда ишлаш йиллари Муҳаммад Юсуфнинг ижодий тақдирида муҳим ўрин тутди. Зеро, бу пайтда машҳур даргоҳга замонасининг забардаст ижодкорларидан бири Эркин Воҳидов раҳбарлик қилар, барча бўлимларда ҳукм сурган ижод руҳи ёш шоирнинг камол топишида ҳам жиддий тurtки берганди. Муҳаммад Юсуф шеърятининг турли йўналишларида эсда қолаверган асарлар яратаётган қаламкаш дўстлари, устозлари орасида ўзини шоир сифатида исбот қилишга астойдил ҳаракат қилди. Шоир шундай кўпки, уларга ер тор, Ҳаммаси машҳур ва ҳаммаси номдор, Улуғвор, уларга етмоқ кўп душвор. Аммо улар ойга босиб юзини Турганда осмонин бағрига илк бор Биз олиб боргаймиз тупроқ исини, Гулдай димоғига тутамиз, қизим, Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз қизим!.. Муҳаммад Юсуф 1992–1995 йилларда “Ўзбекистон овози” газетасида, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)да хизмат қилди. 1997 йилдан эътиборан шоир Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Гарчи унинг шеърлари вақтли матбуотда тез-тез чоп этилиб турган бўлса-да, биринчи шеърий тўплами нисбатан кеч – 1985 йилдагина эълон қилинганди. Шундан кейин шоирнинг “Булбулга бир гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйдаги қиз” (1989), “Ҳалима энам аллалари” (1989), “Ишк кемаси” (1990), “Кўнглимда бир ёр” (1990), “Бевафо кўп экан” (1991), “Ёлғончи ёр”, “Эрка кийик” (1992), “Осмонимга олиб кетаман” сингари ўнлаб шеърӣ мажмуалари ўқувчи қўлига етиб борди. У йирик поэтик жанрларга ҳам мурожаат этиб, “Осмоннинг охири”, “Қора қуёш” сингари дostonлар яратди. Юртимизнинг мустақилликка эришгани Муҳаммад Юсуф ижодида янги уфқларни очди. Унинг миллат ва юрт истиқлоли шарафига битган гўзал шеърлари ўзининг самимийлиги, соддалиги, бадий мукамаллиги билан

миллионлар қалбида акс садо берди. Шоирнинг “Ватаним”, “Халқ бўл, элим”, “Дунё”, “Иншооллоҳ”, “Ўзбекмомо”, “Иқрор”, “Тилак” сингари ўнлаб шеърлари чинакам шеърят юртни қандай куйламоғи лозимлигини исботлаган асарлар бўлиб қолди. Истиқлол йилларида эришган юксак ижодий ютуқлари учун Муҳаммад Юсуфга 1998 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” унвони берилди. Муҳаммад Юсуф ижоди кейинги давр ўзбек кўшиқчилиги ривожига муҳим ўрин тутди. Миллий санъатимизнинг энг йирик ва истеъдодли вакилларидан тортиб, ҳаваскор кўшиқчиларгача шоир шеърларини куйга соладилар. Афсуски, Муҳаммад Юсуфнинг умри қисқа бўлди. У 2001 йилнинг 31 июлида Қорақалпоғистоннинг Эллиқалъа туманига қилинган ижодий сафар чоғида, юзлаб мухлислари шеър ўқиётган пайтда юрак хуружидан вафот этди. Худди Бобурдек, Шавкат Раҳмондек Муҳаммад Юсуф ҳам 47 йил умр кўрди. Бироқ бу умр бир дилбар шоирнинг туғилиши, камол топиши, ўзини вояга етказган юрт ва миллатга самимий ва ихлос ила хизмат қилиб, ортидан яхши ном қолдириши учун кифоя қилди... Ол, дея бир Эгам, осмонга учса руҳларим, Бир ажиб мовий диёр бўйнини кучса руҳларим, Кўк менинг кўксим бўлур, юлдузлари – андуҳларим, Гул ўпиб, гул ёпиниб ҳар дилда мозорим қолур, Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур...

Шоир ҳақида хотиралар

“Муҳаммад Юсуф тез оғизга тушди. Бирор шоир унингдек тез ном чиқармаган, номдор бўлмаган. Очиғини айтсам, Муҳаммадга кўз тегди. Аслини олганда, асл шоирлар узок яшамайдилар. Аммо ортдан абадий яшайдиган мерос қолдириб кетадилар. У мана шундай ўлмас мерос қолдирди. Муҳаммад Юсуф шеър мухлисларининг юрагини ўртаб кетди. Энди

шоирнинг ўзи йўқ. Аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш шеърियाи бор. Бу шеърят асло завол билмайди”.

*Саид Аҳмад – Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

“У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши иждокор бўлиши табиий ва қонунийдир. Шу каби юксак фазилатлар туфайли Муҳаммад Юсуфни халқимиз ардоқлади. Юртбошимиз оталарча меҳр кўргизди. Унинг хизматларини давлатимиз муносиб баҳолади”.

*Абдулла Орипов – Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири*

“Бу озғингина, истараси иссиқ, қорачагина йигитча бир кўришдаёқ мени ўзига тортган эди. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиманки, инсон умрининг охиригача илм ўрганеди, ҳаёт дарсини ўрганеди. Аммо шеър ёзиш илми шундай илмки, уни ўрганиб бўлмайди. У туғма бўлиши керак. Муҳаммад Юсуф ҳам туғма истейдод соҳиби эди. У бу истейдодни ривожлантирди, ўзига талабчан бўлди”.

*Эркин Воҳидов – Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири*

“У ростгўй шоир, ҳалол ва покиза қалб эгаси. Шунинг учун ҳам унинг шеърियाи бутун маънавиятга тўла. У Ватан ҳақида куйлайдими, муҳаббат ҳақида кўшиқ тўқийдими, ёки тарихимиз, тақдиримиз ҳақида куйлайдими, ҳамиша ҳаётга, ҳақиқатга

ҳамнафаслик туйғуси сезилиб турарди. Унинг шеърлари оддий, равон, соддалиги билан халқ оғзаки ижодига ҳамоҳангдир”.

*Собир Мирвалиев – филология
фанлари доктори, профессор*

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаётининг асосий саналари

1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат тумани, Қовуғчи қишлоғида, деҳқон оиласида дунёга келди.

1974 йилда Тошкентдаги Рус тили ва адабиёти институтига ўқишга кирди.

Талабалик йилларида унинг дастлабки шеърлари “Ёшлик” журналида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилди.

Илк тўплами “Таниш тераклар” 1985 йилда нашр этилди.

“Булбулга гапим бор” (1987), “Илтижо” (1988), “Уйқудаги қиз”, “Ҳалима энам аллалари” (1987), “Ишқ кемаси”, “Кўнглимда бир ёр” (1990), “Бевафо кўп экан” (1997), “Эрка кийик” (1992), “Ёлғончи ёр”, “Осмонимга олиб кетаман” (1994) “Сайланма” (2001, 2002, 2003, 2004) каби асарлари нашр қилинган.

1978–1980 йиллар Республика китобсеварлар жамиятида, 1980–1986 йиллар “Тошкент оқшоми” газетасида ишлаган.

1986–1992 йиллар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, 1992–1995 йиллар “Ўзбекистон овози” газетасида ишлаган.

1995–1996 йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида ўқиган.

1998 йилда Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлган.

1997 йилдан то вафоти (2001 йил 30 июл)гача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

Она Ватан ва истиқлол куйчиси

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорида шоир ижодига билдириб ўтилган юксак эътироф ҳар биримизни Ватанни севишга, эл-юрт олдидаги масъулият ҳақида янада теран мушоҳада юритишга ундайди.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуф миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтиришга ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган, Истиқлолимизни, она-Ватанимизни жонидан ортиқ суйган, унинг мадҳи ва таърифини бетакрор мисраларга жо этган улуғ Ўзбекистоннинг азиз фарзандларидан бири эди.

Таҳририят Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос ва таржимон Озод Шарафиддиновнинг адабий мероси хазинасидан Муҳаммад Юсуф шеъриятига бағишланган бадиҳасини эътиборингизга ҳавола этаркан, унда шоир руҳияти қирғоқларида тошиб турган умрбоқий ҳиссиётларни илғаб, қалб дафтарингизнинг унутилмас саҳифаси сифатида муҳрлаб қўйишингизга истак билдиради.

Чунончи, халқимизнинг сеvimли шоири ҳиссиётлари ибтидоси ҳам Ватан, унинг дарди, орзу-умиддари, халқимизнинг кўнглидаги сўзлар, гўзал ва обод жамият барпо этишимизга бўлган юксак ишонч, сизу бизнинг бахтимиз, нурафшон

тақдиримиз, ёшларимизнинг саодатманд келажаги, айтиш керакки, интиҳоси ҳам шу...

Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди. Аммо у тезда, хаммани ҳайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди. Унинг ижоди ҳақида гап кетганда, кўпинча кўшиқларини тилга оладилар. У кўшиқ ёзган ҳам, ўзини кўшиқчи шоир ҳисоблаган ҳам эмас. Унинг ёзганлари ниҳоятда долзарб мавзуда, ўта жиддий, аммо халқ дилига жуда яқин ва равон тилда ёзилган. Шунинг учунми, ҳофизлар уларни кўшиққа солиб юбордилар. Бу кўшиқлар кўшиқчилиқни ҳам баланд поғоналарга олиб чиқди. Қанча-қанча ҳофизларни элга танитди.

Муҳаммад Юсуф кўшиқлари билан эмас, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.

Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзиладиганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўрингчи? Қўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларини йиғлатди, кулдирди, ўз оғушига тортиб олди.

Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар.

Муҳаммад Юсуф Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Кўклам” шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдим, ичкари хонага кириб кетди-да, 10–15 дақиқа ўтгач чиқиб, кўлимга “Кўкламойим” шеърини тутқазди. Уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганди ўшанда.

Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат

эгаси – шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратнинг эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди.

Муҳаммаджоннинг ёшлик, йигитлик йиллари Тошкентдай шаҳри азимда ўтди. У шу ерда омадини, бахтини, шон-шуҳратини топди. Шошнинг болаҳоналарида “шоир” деган унвонга эришди:

Мени шоир қилган қумсувоқ

Болаҳоналаринг бор бўлсин.

Ва бу юртдан бир умр бурчдор эканлигини бир умр ҳис қилиб яшади:

Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар

Узолмасман сендан қарзимни.

Муҳаммад Юсуф бахтли, омадли шоир. Унга мустақил юртини, озод халқини кўриш насиб этди. Юртининг энг улуғ байрамларида унинг кўшиқлари баралла янграйдиган бўлди. Ўзбекистон ҳақидаги шеърини ёшлар ҳатто ўз мадҳияларига айлантириб юбордилар. Шу ўринда ҳурматли Юртбошимизнинг бу камсуқум шоирга шахсан эътиборини айтмай бўлмайди. Шоир Муҳаммад Юсуфга Президентимизнинг меҳрлари бобомиз Улуғбек ҳақидаги кўшиқни эшитган пайтларидаёқ тушган эди. “Халқ шоири” унвонини ҳам мамнуният билан унга ўзлари топширган эдилар.

Шоирнинг сози тинмайди

Адабиёт, бадиий адабиёт халқнинг руҳий оламини, ички дунёсини сўз воситасида очиб берадиган, кишиларни руҳлантира олишга, қанотлантиришга қодир буюк бир санъат. У инсоннинг касбидан қатъи назар, каттадан-кичик барчага бирдек баробар азиз ҳисобланадиган неъматдир. Зеро, у – кўнгил фани. Кўнгиллар рўшнолиги ўшандандир. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, муҳтарам Президентимиз Ислом

Каримов раҳнамолигида маънавий кадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг шу йўлда адабиётимиз, умуман, маънавиятимиз ривожига катта аҳамият бериб келаётганини мамнуният билан таъкиддаш жоиз. 1991 йил Ўзбекистонда “Алишер Навоий йили” деб аталди. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида буюк шоир ва мутафаккирнинг мухташам хайкали очилиши фарахбахш байрамга айланиб кетди. Адабиётимизнинг забардаст вакиллари таваллуд кунлари юксак мақомларда нишонлангани кўнгилларга ғурур бағишлади. Истиклол учун курашган бир гуруҳ марҳум адибларимиз мустақил давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Булар айрим мисоллар, холос.

2009 йилда Президентимизнинг бадиий ижод ривожланишида кескин бурилиш ясаган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” номли рисоласи эълон қилинди. Рисолада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг олиб бориши лозим бўлган фаолияти аниқ белгилаб берилди ва бу рисола бугунги кунда ижод аҳли, Ёзувчилар уюшмаси учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда эълон қилинган “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижод аҳли учун оламшумул аҳамиятга эга бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Унда Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди олдига ҳақиқий ёзувчиларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, юксак савияли бадиий асарлар ёзиш учун мақбул шароит ва имкониятлар яратиб бериш, фахрий ижодкорларга ёрдам кўрсатиш, ёш ижодкорларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан нашр этиш каби ҳамда бошқа кўп қутлуғ вазифалар қўйилди.

2013 йил 27 декабрь куни “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Президент қарори матбуотда эълон қилинди. Маданий ҳаётимизда катта аҳамиятга молик, ўқувчилар кенг оммасини, бутун жамоатчиликни, ижод аҳлини бағоят мамнуну масрур этган ушбу қарор Президентимиз томонидан адабиётимиз, маънавиятимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир ажойиб намунаси, десак, тўла ҳақлимиз. Бинобарин, оташин шоир Муҳаммад Юсуф, дарҳақиқат, ҳар қанча иззат-икром кўрсатилса арзийдиган сўз санъаткоридир.

Қарорга асосан белгиланган тадбирлар жуда ранг-баранг. Унга кўра, шоирнинг “Сайланма” асарлари, “Муҳаммад Юсуф замондошлари хотирасида”, ўзбек шоирларининг шоир хотирасига бағишланган шеърларидан иборат “Сен халқимнинг юрагида яшайсан” каби китоблар нашр қилинади, шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган хужжатли фильм тайёрланади, Тошкентда шоир яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилади, уй атрофи ободонлаштирилади.

Шоир ижодининг аҳамиятини, унинг она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббатини кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга ўрнатки ва ибрат сифатида етказиш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда мамлакатнинг барча вилоятларида январь-апрель ойларида “Адабиёт кунлари”ни ўтказди.

Апрель ойида Андижон вилояти театрида, Тошкент шаҳридаги “Туркистон” санъат саройида, Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа туманида бўлиб ўтган, шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишланган адабий анжуманларда мамлакатнинг таниқли ижодкорлари ва санъаткорлари, давлат ҳамда жамоат арбоблари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон – дунёда ўхшаши топилмас, бебаҳо ўлка. Унинг замини пок, хавоси тоза, осмони мусаффо, одамлари окқўнгил, танти. Бу заминда туғилган одамнинг шеър ёзмай иложи йўқ.

Муҳаммад Юсуф ана шу табаррук тупроқда туғилди, шу тупроқни севди, шу тупроққа жонини фидо қилди. Юртимизнинг танти ва жўмард ўғлонларидан бири Муҳаммад Юсуф ўз шеърларини куйлаб ёзар эди, унинг шеърлари мусикадай куйилиб келар, ҳали сиёҳи қуримай қўшиқ бўлиб кетарди. Қўшиқлари шунчалар самимий ва табиий эдики, ўз-ўзингдан хиргойи қилиб юборганингни билмай қолардинг, киши. У чинакам халқ шоири, мустақиллик учун курашган ижодкорлардан биридир. Ўзбек, миллат, Ватан, озодлик, ўзбеклик ғурури, улуғ боболарга ворислик туйғуси унинг шеърларида гупуриб туради. Шеърлар номига эътибор беринг: “Ўзбекистон”, “Ўзбек”, “Ўзбекнинг аёллари”, “Ўзбекмомо”, “Ўзбек қизлари”, “Ватан”, “Ватан мадҳи”, “Ватан яғонасан”, “Ватанни севинг”, “Менинг Ватаним”...

Зиё оққан мен юрган йўл-йўлакка

Шому Ироқ зор термулган ўзбекман.

Дунёларни ўрантирган ипакка,

Тилла қўнғирокли карвон ўзбекман!

– деб ёзади шоир ғурур билан “Ўзбекман” номли шеърда.

Шоир кам гапирарди, кўпроқ эшитарди, ўз-ўзини бўрттириб кўрсатиш касалидан мутлақ йироқ, самимий инсон эди, шу сабабдан ҳам ҳамиша шеърият мухлислари унинг атрофида парвона бўлардилар.

Эсимда бор, ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охирлари эди чамаси, Ёзувчилар уюшмасида катта мушоира бўлди. Ёш бир йигитча минбарга чиқиб, таниқли шоирлар қаторида шеър ўқиди, ўқиди-ю улоқни олиб кетгани билинди! Бу ёш шоир Муҳаммад Юсуф эди, унинг шеъри дўппига бағишланганди. “Бош қолмади дўппига лойиқ” сатрини келтирганда, зал

олқишларга тўлди. Назокат билан айтилган, чуқур рамзий маънога эга бу шеър ўзбекликни, ўзбекни улуғловчи, ғуруримизни юксакка кўгарувчи тимсол сифатида жаранглаганди. Шоир дўппига лойиқ одамлар бўлишини, шуларнинг сафида шахдам юришни орзу қилди.

Муҳаммад Юсуф шеърятининг энг олий фазилати, фикримча, бу унинг соф ва пок самимиятида мужассамдир. Самимият, халқона рух унинг шеърларини жилолантириб, безаб, уларга бетакрор кўрку тароват бағишлайди. Энг яхши фазилатларидан яна бири – лоқайдликдан йироқлик, ҳаётга бефарқ эмаслик. Куйканак кўнгил, аммо йиғлоқилик, қўл қовуштириб тақдирга тан бериб ўлтириш унга ёт. У кўрган, завқланган ёки нафратланган нарсасини дарҳол ифодалашга интилди, қўлига қалам олди.

Шоир ижодида бўй чўзиб турган мухташам образ – бу, албатта Ватан образи, Ўзбекистон тимсоли. Муҳаммад Юсуф “юрагининг Олампаноҳи бўлган” Ватан ҳақида ҳамиша жўшиб ёзади. У том маънода Ватан куйчиси. Шоир назарида, Ватанга муҳаббат – Ватан учун фидо бўлмоққа тайёр туриш, ўзига ҳеч нарса тиламаслик, буюк садоқат, ихлосдан иборат.

Дўстлар, оғиз тўлдириб Ватан

Дея олмоқ ўзи бахт экан! –

дея хайқиради “Хур ўлкам” шеърисида. Бу ёруғ оламнинг жаннатлари борлигини, кўплигини айтиб, аммо Ватандан бўлаги бари миннат эканини таъкидлайди. Бунда теран фалсафа мужассам. Ватан, бу – “той қоқилиб, от бўлгувчи яйловдир”, дейди. “Юртнинг этагини ўпишга (ҳатто! – М.А.) осмон энгашган...”ини кўриб ғурурланади шоир. Бу Ватанда “кулгичида офтоб чиқиб, офтоб ботган” гўзаллар яшайди, дея шавқу сурурга тўлади шоир қалби. “Зоҳиринг сувдай тиниқ, ботининг зарбулмасал..” дея васф этади “Ҳайрат” шеърисида. “Алла айтсанг айвонингда ухлар куёш...”, дея мақтанади.

“Изхори дил” шеърида шундай сатрлар бор:

Кўхна тол бешиқдан

Бошланар олам,

Сенга иддаолар

Қилмай севаман.

Бир куни синглим, деб,

Бир куни онам, –

Ватан,

Кимлигингни

Билмай севаман,

Шоирнинг Ватанга муҳаббати ғаройиблиги, худди ана шунда, яъни: “...иддаолар қилмай севаман!” дейишида! Бу, айниқса, ёшлар учун катта ибрат намунасидир.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг яна бир фазилати унинг соддалигидадир. У ўз шеърлари учун ҳар хил шакллар ҳам қидириб юрмайди, халқ кўшиқлари йўлида, гоҳида мурабба шаклида қалам тебратишни хуш кўради. Шунда шеърлар қоғозга равон ва содда тушади, маъносини тушуниш ҳам осон кечади. Чунончи, “Ўзбек” шеърида шундай сатрлар бор:

Ёмон шеър ёзсанг ҳам,

бетингдан ўпиб,

Кам бўлма, болам,

деб яшайди ўзбек...

Бунда ўзбекнинг кенгфёъл, кечиримли, танти ва жўмардлиги жуда чиройли акс эттирилган.

Умуман, шоир шеъриятида халқимизга хос ҳаётсеварлик, деҳқонча руҳ, тантилик, чапанилик, шарқона донишмандлик, соддалик, майин лиризм, шўхлик каби хислатлар бири-бирига омихта бўлиб, ранго-ранг манзаралар ҳосил қилади.

Мустақиллигимизни баланд пардаларда куйлаган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шарафли умр кечирди. Бугун шоирнинг “Лолақизғалдоқ”, “Иқроор”,

“Муҳаммадқодир”, “Мен дардимни кимга айтаман”, “Меҳр қолур, муҳаббат қолур”, “Биз бахтли бўламиз”, “Ўзбекман”, “Дўппи” сингари ва яна кўп илиги тўқ, мукамал, оҳанрабоси кучли гўзал шеърлари шеърятимиз бўстони безаб турибди. Мамлакатимизда шоир таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланаётгани унинг шарафли умр кечирганини яққол намоён этмоқда.

Шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган “Лолақизғалдоқ” шеърида шоир:

Мендан нима қолар,

Икки мисра шеър,

Икки сандиқ китоб,

Бир уюм тупрок... –

деган сатрларни келтиради. Йўқ, шоирдан бир уюм тупрок эмас, катта маънавий хазина, гўзал шеърят, Ватанга садоқат, она халқига ихлос, ҳаётга мангу муҳаббат қолди...

Кечагина ёнимизда яшаб юриб, бугун тирик тарихга айланган оташин шоир ҳамиша биз билан, халқ билан, юрти, Ватани билан бирга, ҳамиша давлатимиз раҳбари назарида, эътиборида, эл ардоғида, ўқувчилар қалбида.

Ўтли шоирнинг сози созланган, у ҳеч қачон тинмайди, ўлмас бўлиб ҳамиша жаранг бериб тураверади.

*Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

**“Оқшом”да кечган оқшомлар
(Муҳаммад Юсуф ҳақида хотиралар)**

Ўзининг бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, элдошларимиз қалбида она Ўзбекистон билан фахрланиш ва фидойилик туйғуларини уйғотишга, адабиётимиз, маънавиятимиз ривожига муносиб улуш қўшган дилкаш шоир Муҳаммад Юсуф 1954 йилнинг 26 апрелида Андижон вилоятининг Марҳамат туманида (кўхна Мингтепа) туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкентдаги рус тили ва адабиёти (ҳозирги Жаҳон тиллари университети)да таҳсил олди.

Унинг кизгин ёшлик йиллари Тошкентда ўтди. Шу ерда эл шоири деган ном қозонди. 1982 йилдан 1986 йилгача “Тошкент оқшоми” газетасида ҳам хизмат қилди. Шу даргоҳда устозлар назарига тушди. У Ватанини ўз онасидай, онасини Ватандай суйган “осмонқалб шоир” (А. Орипов) эди. Унинг беназир ижоди ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўзбекистон халқ шоири унвонига сазовор бўлди.

Ўша пайтлар Муҳаммадjon билан бирга бақамти ишлаган дўсти, шоир Сирожиддин Саййиднинг қуйида берилаётган хотиралари ҳам Муҳаммад Юсуфнинг ўша – ёшлик йилларидаги ўй-кечинмалари, изланишларию ўзига хос ижодий феъл-атворини бир қадар кўрсатиб беради деган умиддамиз.

Муҳаммад Юсуф бугун ҳаёт бўлганида олтмишга тўларди. Унинг номи – ёди ватандошлари қалбида ҳамиша тирик ва барҳаётдир.

Муҳаммад Юсуф “Тошкент оқшоми” газетасига 1982 йилнинг кузида ишга келган эди. Ўшанда мен меҳнат таътилида эдим, Сурхондарёдан қайтиб, ишга чиққанимда, мусахҳихлар хонасида саҳифа ўқиётган қорачадан келган, озгин жуссали, сочлари қуюқ, ўта хомуш бегона йигитни кўриб ажаблангандай бўлдим. Қизларимиз жуда шаддод, шунга яраша мен ҳам ҳали ҳеч кимга кўринмайин, кутилмаганда уларнинг хонасига кириб, “Жануб куёшидан сизларга салом!” дея қизларни мамнун

этмоқчи эдим, лекин нотаниш йигитни кўриб таққа тўхтаб қолдим. Мусаҳҳихларимиз маликаси Муҳаббатхон мен кўринганим захоти саҳифадан бош кўтариб: “Во-ой! Ана, Сирожиддин ҳам келдила!” дея одатдагидай хандон отиб, чарақлаб кетди, бегона йигит ҳам менга қараб ним табассум билан ўрнидан турди. Кўришдик. Маликамиз дарров бизларни таништириб қўйди:

– Танишинг: Муҳаммад ака Юсупов. Биза билан ишлаёттила. Шеър ҳам ёзарканла...

Муҳаббатхоннинг “шеър ҳам ёзарканла” деган сўзлари тўппа-тўғри менга қаратилган эди, бу – “Энди “Оқшом”да шеър ёзадиганлар икки киши бўлдинглар” дегани эди.

Бизнинг Муҳаммадхон билан илк кўришувимиз шундай бошланган эди. Шу кундан эътиборан бирга ишлай бошладик, аста-аста бир-биримизни билиб, яқиндан танишиб бордик. Муҳаммадхонда мени ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам ҳамиша хайратлангирган ҳолат – унинг ҳаддан ташқари камгаплигию жим-житлиги, давраларга аралашмасдан, якка-ёлғиз ўй суриб юришлари эди. Ўйчанлик қуюқ қора сочларига, қошларининг тагига ин қурган бир жуфт кушни эслатгувчи мунгли кўзларияу ажабтовур қадам ташлашларига жуда ҳам ярашар эди. Бу хомушлик баъзан суҳбатдошига эришдек туюлса-да, лекин оғир ботмасди.

– Газетада ишлаш қизиқ бўларкан, – деди бир куни Муҳаммадхон. – Вақтнинг ўтганини билмай қоларкансан. Ёзмасанг ҳам бир нарсалар ёзгинг келаверади.

Беш-олти ойлар ўтгандан кейинми, уни газетанинг шаҳар хўжалиги бўлимига ўтказишди. Мен – “Ахборот қироли” деб ном қозонган, филнинг хартумидан ҳам бир янгилик суғуриб оладиган тажрибали журналист Абдулла Пўлатов мудирлигидаги ахборот бўлимида, дўстимиз – бу бўлимда, гўёки ижодий ҳамкорлигимиз бошлангандай эди. У бўлимнинг

Алпомиш келбатли мудир, шаҳар хўжалигининг билимдони, хамиша хушмуомалали Раҳматулла ака, хоналарига кирганимда, мени ўтирғизиб, “Энди, окоси, оғайнизга ёрдам берасиз, биргалашиб, маслаҳатлашиб ишлайсила”, дея иккимизга ҳам кўп йўл-йўриқлар берган эди. Кейин Муҳаммаджоннинг “Тошкент оқшоми” саҳифаларида тез орада газетхонлар эътиборини қозонган машҳур “шеърий лукма”лари чиқа бошлади. Уларга “Мақсад Яхшиев” деб имзо чекарди. Шаҳар хўжалиги мавзуидаги материаллар, одатда, газетанинг иккинчи саҳифасида бориларди, “шеърий лукма”лар ҳам шу бетдан жой олди. Шундай қилиб, Муҳаммаджон шаҳар хўжалиги муаммоларини шеърий йўсинда, ўзига хос тарзда ёрита бошлади. Бу – газета учун ҳам, газетхонлар учун ҳам кутилмаган янгилик эди. Соатсозларга бағишланган шеърий лукмаси ҳали ҳамон эсимда:

**Соатсозга ишим тушди,
Қатнайвериб тишим тушди.**

Бир замонлар Тошкент зилзиласидан кейин ташкил этилган, улуғ шоиримиз Ғафур Ғуломнинг шеърий дуоси билан бошланган “Оқшом”да ишлаш ҳақиқатан ҳам қизиқарли эди. Бу ерда яхлит бир ижодий муҳит, умумий кўтаринки кайфият, ходимлар билан бўлимларнинг самимий ҳамжиҳатлиги ҳукм сурарди.

Биз – газетанинг энг ёш ходимлари шу қизғин ижодий муҳитга астойдил сингиб кетган эдик. Янги дўстимизнинг хомуш феълию камгаплигига, унинг жайдари, халқона услубига тез орада ҳаммамиз кўникиб кетдик. Газета чиқаришнинг шовқин-суронлари, югур-югурларию ғала-ғовурлари орасида Муҳаммаджон ишга келмаган кунлар унинг йўқлиги дарров билиниб қоларди. Айниқса, навбатчи бўлган кунларимиз биз учун байрам эди. Ҳамма чиройли қизлар мусахҳиҳлар хонасида ишлар, бундай пайтлар саҳифа кўтариб уларнинг хонасига тез-

тез киришга баҳона тайёр ва биз бу “имконият”дан ғоят оқилона фойдаланар эдик. У ерда “пневмопочта” деган қурилма бўларди. У орқали бўйни кесилган шишага ўхшаш узунчоқ пластмасса идишда цехдан тайёр бўлган саҳифаларни жўнатишар, қизлар қабул қилиб, хатоларни тўғрилаб бўлгач, яна шу йўсинда қайтариб юборишар эди. Тун кечада носи тугаб, гарангсиб қолган жингалаксоч мусаҳҳиҳ йигит Абдурашид Нурмуродов (ҳозирда таниқли ёзувчи) “пневмопочта” қувуридан “бир шиша нос тушсайди” дегандай мўлтайиб ўтирар, қизларнинг қўли-қўлига тегмасди. Кечаси бир-иккиларда газетани топшириб, ёқаларни кўтариб, тунги қушлардай уйларимизга равона бўлардик.

Марғуба опа – мусаҳҳиҳлар бошлиғи, ҳамиша жиддий, бизнинг бутун диққат-эътиборимиз шу бўлимга қаратилганини пайқаб қолган, нуқул маъноли-маъноли жилмайиб қўярди. Шоирахон – хаёлида рўзғори, бола-чақаси, ҳамиша серташвиш ва бесаранжом, бўлимнинг атиргули Дилором таниқли санъаткорнинг чиққан ҳар бир янги ашуласидан доим ҳаяжонда, “Бош қўйинг остонасига, мен каби ошиқ бўлинг!” дея баъзан шеърлар ҳам ўқиб турарди. Маъфура опадан эса кўрқардик. Жаҳли чиққанда дарҳол танбеҳ берарди. Сут-қаймоққа булаб олинган кулчага ўхшайдиган Шоҳистахон жуда сирли эди. Бу ерда яна бир қиз бор эди. Унинг рамзий исмини ҳам Муҳаббат дейлик. Кўзлари катта-катта, муомаласи, завқу ҳаяжони ҳам жуда самимий бу ойсулувни мен ўзимча “шаҳарлик оху” деб юрардим. Баъзан-баъзан кўзларини уялинқираб олиб қочишлари кишини ўйлантириб қўяр, бир хаёлларга етакларди ва бу хаёлларни унинг ўзи газета саҳифаси билан дарров тўсиб қўярди. Муҳаммаджонда ҳам шу “оху” мизга нисбатан бир сезгиларнинг уйғонганини сезсам-да, бу ҳақда сўрашга ботинолмасдим, у ҳам индамасди. Фақат бир боргина

кўнглидагини билдиргандай бўлувди. “Муҳаббат жайронга ўхшайди...”

Кунларимиз шу зайлда давом этаверди. Тушлик танаффусларга ҳам доим бирга чиқардик.

Талабалик йилларида Навоий кўчасидан ўтиб бораётиб, бир ошхонада лағмон тановул қилиб ўтирган Абдулла акани кўрганзимизда роса ҳайратланганмиз: “И-и, Абдулла акани қара, қара-қара, Абдулла ака ҳам овқат ер экан!”, дея ажабланганди талаба дўстимиз. Бизнинг ўша пайтдаги тасаввуримизча, Абдулла акадай шоирлар овқатланмай, фақат шеър ёзиб юрадигандай, улар фаришта мисол, бизнинг назаримизда, емак-ичмакдан, ердаги ташвишлардан баландда, юксакларда юрадиган самовий бир инсонлар, уларнинг овқати – севги, шабнамлар ва юлдузлардан иборат деб ўйлардик.

Муҳаммаджон кам овқат ер эди. Ошқозони баъзан-баъзан оғриб турар, кўпроқ қайнатилган таомларни хуш кўрарди. “Хуш кўрарди” деган сўз бу ўринда нотўғри, унинг бирор марта ҳам одамларга ўхшаб иштаҳа билан овқатни паққос туширганини кўрмаганман. У жимгина, ўйга ботиб, секин овқатланарди. Гўёки, жисми сизнинг рўпарангизда ўтириб тушлик қиляптию, ўзи, руҳи бошқа жойларда юргандай. Унинг таом ейишидан ҳам феъли, шоирлигию ўзига хослиги кўриниб турарди.

Ҳар окшом чиқадиган “Оқшом” саҳифалари билан бизнинг ойларимиз ҳам тарқалиб кетаверди. Қиш ўрнини баҳорлар, баҳор ўрнини ёзу кузлар эгаллаб, алмашилиб ўтавердилар. “Оқшом”даги фасллар бизнинг ҳақиқий шеърий баҳоримиз, кўкламимизни бошлаб берди десам лоф бўлмайди. Бу қутлуғ даргоҳда тўрт йилимиз бирга кечган бўлса агар, шеърсиз, бирор сатрсиз ўтган кунни мен эслолмайман. Муҳаммаджон ҳар кун, кун ора, ё бир кунда икки-уч бор ҳам бир янги шеър ўқиб берарди. Шеърият билан машғуллигимиз шу даражага бориб етдики, охири “лечучка”да икковимиз ҳам дашном эшитдик.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ака Ёкубов жиддий баёнот берди: “Ё шоирлигинг лани қилингла, ё газетага қарангла! Бунақамас-да, ҳаммасининг ўрни бор”. Шеърлар эса ёзилар эди, газет чиқар экан, ё бугун навбатчи экансан, деб қараб турмасди. Муҳаммаджон дўстимизнинг бугунги кунда сайланма китобларидан кенг жой олган, ҳозир ҳам мухлислар тилидан тушмаган энг гўзал, самимий, соғинчли шеърлари ўша “Оқшом”да ишлаб юрган йилларда ёзилган. У Тошкентни ҳам, “Тошкент оқшоми”ни ҳам айрича бир муҳаббат билан яхши кўрарди. Шаҳарнинг “қумсувоқ болохоналари”га меҳрини бериб, Ватан ҳақида жозибали шеърлар битди.

Куйида парча келтирилаётган шеъри ҳам айна ўша “Оқшом”даги оқшомларда ёзилган:

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан:
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!

Завқу шавқнинг, ҳаяжон, меҳру соғинчнинг зўридан шундай деган. Унинг устозларга ҳам меҳри бўлакча эди, Абдулла акани жуда яхши кўрар, кўплаб шеърларини ёддан биларди. Устоз ҳақида кизик бир хотираси бор эди: “Мақтабда ўқиб юрганнимда шаҳарни кўраман деб, уйдан қочиб Тошкентга келганман, вокзалда Абдулла акани кўриб қолиб саломлашганимда, оёғимга қараб, исмимни сўраб, кейин кўлимдан етаклаб бориб магазиндан туфли олиб берган”. Худо суйган кулига элтиб берар йўлига, деганларидай, Худонинг ўзи дуч қилгандай, кейинчалик Муҳаммаджон устознинг энг суюкли, содиқ шогирдларидан бири бўлиб қолди.

Ўша йиллар “Ёшлик” журнали ўқимишли, машҳур нашрлардан бири эди. Устоз Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган, унда босилган шеърий туркумми, дoston, хикоя ва ё

қиссами – дарров шов-шув бўлар ва шундай ном қозонган журналда шеъримиз чиқишини биз ҳам орзу қилиб юрардик. Бир кун шеърларимизни қўлтиқлаб, паст-баланд бўлиб журнал таҳририятига бордик. Бизни томоқ қириб қарши олган ёзувчи акаemiz Эркин Аъзам йўғон, жиддий овози билан ўз шеъримизни ўзимизга ўқиб берганида, “зўр шоирлар эканмиз” деб ўйлаганмиз. Ташқарига чиққанmизда, Муҳаммаджон: “Шеърни биз ёзиб, Эркин Аъзам ўқиб берсин экан. Овозига қаранг, зоғора пишади”, дея ҳазиллашганди. Талабчан акаemizнинг тегирмонидан соғ-омон чиқиб, шеърларимиз ниҳоят “Ёшлик”да босилгандан кейин, байрамни кўринг. Абдулла аканинг “Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё жилмайиб кўяди барчага масрур” сатрларининг бош қаҳрамонлари ўша кунларда биз эдик.

Бу ёқда эса Марғуба опа ҳамон бизга маъноли-маъноли қараб кўяр, оҳумиз, жайронимиз Муҳаббат бўлса нуқул нигоҳларини олиб қочар, бетгинаси баъзан нақш олмай кизарибгина ҳам кетар эди. Ажаб савдолар!

Муҳаммад Муҳаббатга, мен Муҳаммад ҳам Муҳаббатга қараб-қараб, ичимизда нималар кечаётганини фош қилмай, индамай сиполарча юраверибмиз!

Бир кун Муҳаммаджон ишхонага жуда ҳам хафа кайфиятда келди. Индамай хонага кириб, олдимга бир варақ кўйди, “Ўқиб кўринг-чи”, дея стулга ўтирди. Кечаси ёзган янги шеъри экан, ўқидим:

Қодир, қандай экан яшамок бахти?
Гоҳ, уриб, гоҳ тиниб турганда юрак,
Ўзи билдирмаса меҳрибон доктор,
Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...
...Ҳаммасини билиб яшамок оғир,
Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж.
Кўлингдан ҳеч нарса келмай шеър ёзмок,
Онани алдашдек осон ва жирканч.

“Тинчликми?”, деб сўрасам, “Қодиржон яқин оғайним бўлади, ўзи бир бечора дехқон, машина уриб кетибди, оғир ётганмиш”, деди хўрсиниб. Шеър дард билан ёзилганди, менга ёққанини, “Жуда зўр шеър бўлибди!”, дея мақтаганимдан кейин сал чехраси ёришди. Кейин менга ҳам нохуш хабар келди, Сурхондарёга кетдим. Отамни кўйиб келганимдан сўнг аҳволимни кўриб, роса изтироб чекди, кўнглимни кўтаргандай бўлса-да, анча ўксиниб юрди, бир тонг яна “Ўқиб кўринг”, деб кўлимга қоғоз тутқазди. Бу – “Ота” деган шеър эди, менга тасалли бўлсин деб ёзган экан:

Ота, ғўзангизни сув босиб кетди,
Чумчуқ вайрон қилди жўхорингизни.
Менинг китобларим бир жамбилбаргча
Ёзолмади хуморингизни...
...Қирқ йиллик осколка қийнади бир кун,
Сиз ётиб қолдингиз, бўлди керагим.
Учиб боролмадим самолёт бўлиб,
Ота, деб осмонга тегиб курагим
Кейин сиз кетдингиз. Бу ёруғ дунё –
Тўполондарёни менга қолдириб,
Сўнгги ўтинчингиз айладим бажо.
Кўзларимни тўсган сочим олдириб!
Меҳримни бошимга урайми энди,
Шеъримни бошимга урайми?!
Менинг соғинчимни ютиб оғринмай,
Ёрилмай яшаган юрак юракми?
Ота, юзларимни сув босиб кетди...

Бу шеърни худди ўзим ёзгандай, менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Кўзларим жикка ёшга тўлди. “Сирож, бардам бўлинг, дўстим!”, деди Муҳаммаджон. Менинг оқшомларимга яна бир ҳаво – аччиқ ва тахир айрилиқ ҳавоси кўшилди. Биқинимда, қулоғимнинг тагида эса шоир дўстимнинг қалами қитирлаб

турар, “Окшом”даги ҳаётимиз шеърү ёшлик, баҳорларү кузларнинг рангү ифорлари билан бир маромда давом этар эди.

Бир күни ишга келганимда, мусаҳҳихлар хонасида юз-бетим аралаш момақалдирок гулдирогандай бўлди. Марғуба опамиз дабдурустан мазани қочирадиган янгиликдан хабардор қилди. “Ана, шунча юриб биронтанглаям гапирмадингла, Муҳаббат эрга тегвотила!” Нима дейишимни билмай довдираб чиқиб кетдим, хонамизга борсам, Муҳаммаджон хомуш ўтирибди, “Эшитдингизми?” деди, холос. Мен “ҳа” дедим. Бошқа бу мавзуга қайтмадик. Кейин тўйга бордик. “Шоирларимиз шеър ўқисин”, дейишди. Биз вақтли чиқиб кетдик. Кейин Муҳаммаджон “Бунда бир қиз бор эди, бағоят дилдор эди” деган шеър ёзди. Беғаразгина аразга, аламга ўхшайдиган шеър.

... Кетдик, жўра. Нима бор

бировларнинг тўйида

Бугун сайл бўлади

Ширмонбулок бўйида.

Шундай кунда ноз қилиб

Қарамаса бизларга,

Атиргулга мурч сепиб

Улашамиз қизларга.

Икковимиз ҳам ғалати бўлиб қолдик. Гўё оламда Муҳаббат йўқдай, бўлмагандай, унга ҳеч қачон бизнинг ишимиз тушмагандай тутардик ўзимизни. Кунларнинг бирида ишга кечроқ келди, хонага кирдию олдимга, одатдагидай, яна бир варақ қоғоз қўйди, “Ўқиб кўринг-чи”, дея чиқиб кетди. Бу ёзгани мени хавотирга солиб қўйди, этларим жимиради: “Тузалмайди дардим менинг, ўлсам керак. Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, она. Ўғлинг қаро ерга кетди, хайр она” деб бошлангувчи бу шеърдаги “Инсон бир кун ўз майлига қул бўлади”, “Мен ҳаётда ўлимга тик боқиб ўсдим” дегандай сатрлар, умуман шеърнинг ўзи менда кучли таассурот қолдирди,

бирок у ўлим ҳақида эди. Дўстимиз хонага қайтиб кирганида, аввал янги шеъри билан табрикладим. Сўнгра Борис Пастернакнинг Евгений Евтушенкога насиҳатини эслатдим. “Ҳеч қачон ўлимингизни шеърингизда айта кўрманг, бу – башоратдай жаранглаши мумкин, рўй бериши мумкин”. “бўлса бордир” дея жойига ўтирди, ўйчан нигоҳлари билан деразадан ташқарига назар ташлади.

... Мирзо Бобур “Баҳор айёмидур, дағи йигитликнинг авонидур”, деганларидай мен Муҳаммаджоннинг энг завкли, жўшқин-тошқин кунларига ҳам гувоҳ бўлганман. Бу – унинг Бодомзордаги севгиси, муҳаббати билан боғлиқ паллалар эди. Бир оқшомлар бошланди кейин, бир севинчлар билан бир шеърлар ёза бошлади!

Бекатларда мен қоларман-да,

Айтар сўзим қолиб кетади.

Трамвайлар сени ҳар куни

Бодомзорга олиб кетади.

Термуламан изларидан жим,

Боқиб кўзим толиб кетади.

Бодомзорга сени ҳар куни

Трамвайлар олиб кетади.

Темир йўлга бошларин уриб,

Ғилдираклар нолиб кетади.

Трамвайлар сени ҳар куни

Бодомзорга олиб кетади...

Ушбу шеърни Эркин ака, Муҳаммаджонни туғишган укасидай яхши кўрадиган, унча-мунча шеърни ёктириши қийин бўлган Эркин Аъзам оғамиз ғоят хуш кўриб қолди, давраларда ҳам бир неча марталаб айтиб юрди. Муҳаммаджон билан Назирахоннинг тўйларига мен қатнаша олмадим, газетачилар билан Бекобод далаларида пахтада эдик. Шундай қилиб, кейин уларнинг олдинма-кетин қўшғунчадай бўлиб қизчалари туғилди.

Нозима билан Мадина бу оиланинг қувончу севинчи, тасалли хам овунчи бўлиб дунёга келди. Кейин Ғафур Ғулом номидаги нашриётда илк китобларимиз чоп этилди. “Таниш тераклар” деб ном қўйган китоби унинг асосан “Тошкент окшоми”да ишлаб юрган пайтларда ёзган шеърларидан тартиб берилган.

Муҳаммаджон такаббур, мактанчоқ кимсаларни ёмон кўрарди. Бундай давраларни астагина тарк этарди. Калондимоғроқ ижодкор ҳақида бундоқ деган эди: “Аввал ўзбекча саломлашишни ўргансин, сўнгра шеър ёзсин”.

Бир ажойиб, мулойим кулгуси бор эди, бетида, гап-сўзида сохталик йўқ, соддалик ва камтарлик феъли билан мужассам, ҳиринглашни ёмон кўрар, ҳазилни ёқтирмас, лекин гоҳи-гоҳи ҳазил гап ҳам қилиб қўярди, ҳазили ҳам ўзига хос, шоирона бўларди. Мен ўша пайтлар телефонда кўп гаплашардим, телефонбозлигимни Муҳаммаджон яхши билар, бир куни хушовоз хонанда, раҳматли дўстимиз Муҳриддин Холиқов, Муҳаммаджон – учовимиз кўришадиган бўлдик. Улар менга белгиланган соатда қўнғироқ қиладиган бўлишди. Бир соатлар чамаси рақам теравериб тушолмагач, қон бўлган Муҳаммаджон Муҳриддинга ўзи тўқиган “тарих”ни сўйлаб берган: “Кўйинг энди, барибир тушолмайсиз, ғозир ўзимиз борамиз. Сирож асли туғруқхонада эмас, уйда туғилган. Онасининг қорнидан шундоқ ерга тушгану, биласизми нимани сўраган? “Она, телефонимиз борми?” деб сўраган.” Телефонда биров билан роса шакаргуфторлик қилиб турганимда бирдан эшик очилиб, икковлари кириб келишди, мени кўриб, шарақлаб кулиб юборишди. “Айтдим-ку!”, деди Муҳаммаджон Муҳриддинга. “Кўрдингизми?”.

Яна бир даврада, ўзи Муҳаммаджоннинг шеърларини айтиб ном чиқарган олифтароқ хонандалардан бири, “Муҳаммад ака, катта шоирсиз, зўр костюмлардан кийиб юрсангиз бўлмайдими?” дегандай жуда ўринсиз гап қилганди. Давра

кўпчилик эди, Муҳаммаджоннинг жаҳли чиқди, лекин билдирмади, бу йигитни сўкиб берса ҳам бўларди, бироқ бошқача, жиддийроқ гап қилди: “Сенинг ҳаммангни кийинтириб юрибманку, шу етади-да менга!”

Ёзган шеърлари тезда кўшиқларга айланиб, эл ичида номи овоза бўлгандан кейин бир сўзни жуда ёмон кўрарди. Бизда, ўзбек тилида қайдан пайдо бўлганини билмайман, ўрисчада бу – “поэт-песенник” дейилади. У менга бор-йўғи бир мартагина жиддий илтимос қилган: “Мабодо мен ҳақимда бирор нима ёзмоқчи бўлсангиз агар “кўшиқчи шоир” деган сўзни ишлатмасангиз...” “Кўшиқчи, ўйинчи шоирлар” кейин пайдо бўлди – тақлидчилар, кўшиқчилар...

Ўша кезлар Муҳаммаджон Сурхондарёни кўришни орзу қилар, “Бир обборасиз-да...” дея ниятини ҳам билдирган эди. Кейинчалик, укаларимизнинг тўйи баҳона, хабар ёзиш бўйича устозимиз Абдулла Пўлатов, ёзувчи Нормурод Норқобиловлар билан бирга уйимизга боришган. Онамлар “Боламга ўхшаркансиз, болам” деб дуо қилганлар. Тумонат одам йиғилган тўйда ўртага чиқиб “Дўппи киймай қўйди одамлар”, “Аёллар хар йили туғавердилар” сингари шеърларини ўқиб, роса олқиш олган. Шунда эл суйган санъаткоримиз Шерали Жўраев ўрnidан туриб, қўлларини унинг елкасига қўйиб: “Шу одамларнинг ичида камида еттитаси Ҳизр бўлса керак, қани, қўлларингизни очинглар, шу укамизнинг юрагидаги, юрагининг туб-тубидаги ниятлари рўёбга чиқиб, элу-юртимизнинг катта шоирига айланиб кетсин!” дея халқдан дуо олиб берган. Шоирнинг ўзи айтгандай “Бу хуш онлар бир тушдаин ўтдию кетди.”

Мен унинг “Севиш керак, яшаш шарт эмас” деган шеърини яхши кўрардим. Бир баҳс ё тортишув чиқди дегунча шу сатрни кўндаланг қилардим. Фалакнинг ҳукмини қарангки, бу шеъри ҳам ўзининг кейинчалик ҳаётига башорат янглиғ янраган экан.

Қайсидир сана муносабати билан Абдулла аканинг газета ва газетхонларга тилаклари босилиб, унда бир тўртлик ҳам берилган эди:

Сизга тилакларим бир жаҳон бўлсин,

Бошингизда офтобли осмон бўлсин.

Кундузнинг ғаройиб чоғидир оқшом,

Саодат бирла у нурафшон бўлсин.

Бу шеър бизнинг “Оқшом”даги йилларимизга бағишлангандай эди. Тўрт йилимиз шундоқ бирга кечди, кейин уйли-жойли бўлиб, ҳар ёнга тарқаб кетдик. Бизнинг газета билан хўшлашувимиз, айна пайтда “Оқшом”да кечган оқшомларимиз билан ҳам хайрлашувимиз эди. Энг завқли кунларимиз, ёшлигимизнинг энг беғубор дамлари шу даргоҳда ўтди. Биз бу ерда ҳаётни ўргандик, одамни, оқу қорани танидик. Умри, ҳаётию бутун тириклиги газета билан боғлиқ. Камтарин, меҳнаткаш ва оққўнгил инсонлардан сабоқ олдик, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлдик. Дўстлик қандай бўлишини, муҳаббат нималигини биз шу ерда билдик, изтироб чекдик, севдик, севилдик.

Буни ҳаёт дейдилар. Орадан йиллар ўтиб, Муҳаммаджон катта шоир бўлиб кетгандан сўнг ҳам ҳар учрашганимизда бир баҳонайи сабаб билан “Оқшом”ни эслаб кўярди. Бир гал у ўйчангина ҳолатда “Муҳаббат эсингиздами, жайрон?” деб сўради. Яна хаёлга ботиб давом этди. “Биласизми, сиз яхши кўрсангиз керак, деб мен унга индамагандим”. Мен лол бўлиб қолдим. Чунки айнан худди шундай гумон Муҳаммаджонга нисбатан менда ҳам бор эди. Муҳаббат. Муҳаббат. “Муҳаббат бор экан дунёда!”

Яна бир сафар ўзидан-ўзи “Сирож, сиз мени ака дейишингиз керак”, деб туриб олди. Ёш жиҳатдан у ҳақиқатан ҳам менинг акам тенги, ака десам ҳам ҳеч нарса йўқотмасдим, лекин шунча йиллар “Муҳаммад, Муҳаммаджон” деб юриб ўрганган одам,

бирданига ака дейишим ўзимга ғалатироқ туюлди, шундоқ қилсам яқин дўстимдан айрилиб қоладигандай, ўжарлигим тутди. “Сал вақтлироқ ўйлаш керак эди, тақсир, энди кеч бўлди, ўлдирсангиз ҳам айтолмайман!” дедим. Ўша, кишига хуш ёқадиган майин жилмайиш билан индамай кўя қолди.

... 2001 йилнинг июль ойида бутун шаҳар бўйлаб “Зарафшон” концерт залида Муҳаммад Юсуфнинг таниқли санъаткорлар иштирокида ижодий кечаси бўлишини билдирувчи афишалар осилди. Муҳаммаджон “Қайтиб келаман, ҳаммангларни об кираман!”, деб “Оқшом”даги қизларга ваъда бериб, кейин ўзи Эллиққалъага жўнабди. Қизлар мени топишиб, бирга киришимиз кераклигини айтишди. Минг афсуски... у қайтиб келмади. Афишалар осиглигича зору хайрон қолиб кетди.

Ўша оғир кунда уни Марҳаматдан олиб ўтаётганимизда бутун эл – ёшу қари кўчага чиққан эди. Шашқатор йиғлаётган қишлоқ аёлларию, юз-бетлари ёшдан хўл қиз-жувонлар, йигитлар. Ўзи суйган, ўзи куйлаган эл. Муштипар волидасию “Ёзилмаган дostonлари қолган акам!” деб йиғлаган куюнчак сингиллари...

Қалдирғочни жаннати қуш дейишади. Ўша кун дўстимизни ерга топшираётганда кўкда, бошимиз узра Андижоннинг қалдирғочлари чирқиллаб айланди-ей, айланаверди. “Осмонимга олиб кетаман” деган китоби ўз умрига башорати бўлдими, нима? Жону-руҳини ердаги ташвишлардан айириб, шу қалдирғочларга кўшиб жўнатиб юбордими ё?.. Кечқурун Андижон аэропортида Тошкентга қайтаётганимизда эзилиб кетган Эркин Аъзам шундай савол берди: “Менга қара, Сирожиддин, Муҳаммаджон энди... битта ўзи қолиб кетадими?..

Орадан кунлар ўтиб кейин тасодифан Муҳаббатни кўриб қолдим, тўхтатиб аҳвол сўрадим. Ўша – ўзини олиб қочадиган катта-катта уятчан кўзлар, фақат бироз мунг аралашган. Омонат

қолиб кетмасин деб, бор гапни очик айтдим. “Э-э силани каранглару?!” дедию, кўзларига ғилт-ғилт ёш айланиб кетиб қолди...

Мен элу юртнинг суюкли шоирига айланган дўстим ҳақида бир кун келиб марсия ё хотира ёзаман деб ҳеч ўйлабмидим?.. “Оқшом”да ишлаб юрган кезларимизда бирга тушган суратимиз тагига шундай дастхат ёзиб қўйилган экан: “биз бошқа ҳеч қачон бундай бўлолмаймиз...” Суратнинг орт томонида эса икки сатр шеър:

“Бировнинг соғинчи эзди кўп ёмон,
Дўстим, бу фожеа бир ўзимга аён.”

Йигитлигимизнинг энг ажиб, севинчли, саодатли оқшомлари кечган “Оқшом”. Улуғ инсонларнинг эзгу номларини сақлаб, авайлаб келаётган “Оқшом”, “Тошкент оқшоми”.

Раҳматли Муҳаммаджон ёмғирда юришни яхши кўрарди. Таҳририятдан чиқардию ёмғирларга қўшилиб сингиб кетарди. Бу ёмғирлар энди обирахмат бўлиб, эл раҳмати бўлиб унинг хокига ёғилаётир.

Яна бир гапни айтмасам бўлмас: Муҳаммаджон ўлимга эмас, ҳаётга тик қараб ўсган шоир эди.

Севгим – осмонларга учган оқ каптар,
Сенинг қанотингга битайин хатлар.
Ногаҳон қарайман: булутлар ғужғон,
Ёмғирларда қолмиш бир шеърий дафтар.
Васлу ҳижронингга жон-жоним пайванд,
Ҳаёт, пардаларинг бунчалар баланд!
Гоҳо товуш етмас, гоҳо етмас сўз,
Етса, овозларга ташлайсан каманд...

*Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон
халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раисининг биринчи
ўринбосари*

**Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати
билан АКМ, АРМ ва кутубхоналарда ўтказилиши мумкин
бўлган тадбирларнинг методик ишланмаси**

**“Халқ дардида ёнган шоир” мавзуйи-бадий кечанинг
намунавий сценарийси**

Ушбу тадбир Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган бўлиб, уни АКМ, АРМлар ва кутубхоналарда ўтказиш мумкин. Тадбир сценарийси намунавий бўлиб, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин. Тадбирни АКМ (АРМ) раҳбари кириш сўзи билан очади ва тадбир дастури билан, шунингдек, сўзга чиқувчиларни таништиради. Кейин навбатни олиб борувчиларга беради, (тадбирда адабиётлар кўргазмаси ташкил қилиш ва обзор ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сценарийдаги олиб борувчилар ва меҳмонлар сўзи намуна сифатида берилмоқда). Тадбирни икки нафар сухандон олиб бориши мумкин.

(Тадбирга адабиётшуносларни, ёзувчилар, шоирлар, танқидчилар, Ёзувчилар уюммаси аъзоларини ҳамда Муҳаммад Юсуф шогирдларини, шунингдек, Муҳаммад Юсуф ижодига қизиқувчи китобхонларни таклиф этиш мумкин).

1-олиб борувчи: Ассалому алайкум, кечамизга ташриф буюрган азиз меҳмонлар.

2-олиб борувчи: Ассалому алайкум, даврамиз иштирокчилари, азиз китобхонлар, кечамизга хуш келибсиз! Бугун Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан шу ерга йиғилганмиз.

1-олиб борувчи: Азиз меҳмонлар! Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишланган “Халқ дардида ёнган шоир” деб номланган бадий кечани очик деб эълон қиламиз.

2-олиб борувчи: Шеърятнинг кучи-кудратини ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. У шундай санъатки, инсоннинг энг нозик ҳис-туйғуларига таъсир этади. Албатта, бу таъсир шоирнинг бадиий маҳорати билан боғлиқ.

Немис шоири ва мутафаккири Гёте “Шоир лирикада бениҳоя кўп роль ижро этувчи актёрдир” деб ёзган эди. Бугунги шеърятимизнинг етакчи тамойилларини белгилаб берувчи шоирлар сирасидан жой олган Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари юкоридаги фикрни тўла тасдиқлайди. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ҳаётни чуқур идрок этиш ва идрок этилган ҳаётни янгича шакл ва оҳангларда бадиий акс эттиришга интилиш тамойили кўзга ташланади. Шеърятимизда ана шу тамойилларни ўз ижодида кўпроқ мужассамлаштирган, ўзига хос услубга, ўз бадиий изланишларига эга бўлган шоирлардан бири ҳам Муҳаммад Юсуф эди.

1-олиб борувчи: Муҳаммад Юсуф шеърят майдонига XX асрнинг саксонинчи йиллари бошида кириб келди. Шу йиллардаги ижоди давомида ўзининг бетакрор шеърлари билан миллионлаб мухлисларининг қалбидан жой олди.

Шу боис унинг шеърлари сиёҳи қуримай кўшиқчилар томонидан ижро этиларди. Халқ бу шеър ва кўшиқларни тинглаб, юрагидаги турфа армонларни, чигалларни ёзгандек бўлади. Ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, табиати, хусусиятларини ўз шеъриятида ифодалаган шоир бадиий тафаккур тадрижига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

2-олиб борувчи: Шу ерда мунозарамизни мухтасар қилсак-да, мамнуният ила сўз навбатини Муҳаммад Юсуфнинг устози, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовга берсак. Улар шоир ҳақида ўз хотираларини гапириб берсалар. Марҳамат.

Эркин Воҳидов: Муҳаммад Юсуф том маънодаги халқчил шоир эди. Унинг асарларида миллий рух, халқона фалсафа, она тилимиз жилолари, самимият ва муҳаббат балқиб турарди.

Шоир ўзининг ранг-баранг, камров кўлами кенг шеърляти билан ўзбек адабиётида ўзига хос жой эгаллади. Ижодий эркинлик туйфайли ноанъанавий кўринишдаги, янги типдаги қаҳрамонларни, ўзига хос миллий характерларни адабиёт майдонига олиб кирди.

“Шеър – одамларга таъсир қилади, одамлар эса даврга” деганларидек, шоир Муҳаммад Юсуф шеърляти ҳам халқ дилидан, тилидан жой олди, халққа ўз таъсирини ўтказди. Унинг шеърляти халқнинг дили ва тилига, унинг қалбининг таржимонига айланиб кетганди. Шоирнинг ҳис-туйғуси, кечинмаси ўзига хос эди. Шунинг учун ҳам, шеърлари бошқа шоирларникига ўхшамаган тарзда намоён бўлади.

Муҳаммад Юсуф ўзбек шеърляти уфқларини кенгайтириб, халқ ҳаёти муаммоларига, жамиятда юз бераётган туб ўзгаришларга фаол муносабатда бўлди. У ҳар бир шеърда жамият ва ҳаёт ҳақидаги ҳақ сўзларни баралла айта олди, халқнинг дардини, унинг орзу-ўйларини куйлади. Даврнинг руҳи, унинг интилишлари, ғоялари у ёки бу шаклда шоир шеърлятида намоён бўлди.

Унинг шеърларида ватан ва халқни муштарақ ҳолда идрок этиш руҳи етакчилик қилади. Шоир ўз халқининг ўтмишдаги ўрнини кўрсатишни, унинг орзу-армонларини поэтикалаштиришни асосий мақсад қилиб олади. Унинг шеърларининг оҳангида забардаст халқимиз ва мураккаб давримизнинг овози, зарби мавжуд.

Муҳаммад Юсуф шеърляти халқона оҳангларга бойлиги билан ажралиб туради. У халқ оҳанглари йўлида ёзилган туркум асарлар яратган. Бу асарлар бизга халқ оғзаки ижодини эслатади. Халқ оғзаки ижодидаги анъана ва услублар шоир ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Халқ маънавий оламини поэтик образларда кўрсатиш жихатидан ҳам шоир ижоди ўзига хосдир.

Шоир ижодиёти асосида ҳаётгий воқелик, маънавий идрок, ҳаёт гўзаллигидан илҳомланиш, ўзбек халқининг орзу-ниятларини ифодалаш туради ва булар лирик қаҳрамон тақдири орқали

кўрсатилади. Шоирнинг бугун қалби, хис-туйғуси, миллий ифтихори, ақл-заковати, эстетик дунёкараши, вокеликни тўғри англаши, ғоявий идеали – ҳамма-ҳаммаси унинг лирик қаҳрамонида тўла-тўқис намоён бўлади. Лирик қаҳрамон эса – шоирнинг ўзи. Чунки, “Лирик поэзия, аксинча, асосан субъектив поэзиядир, шоирнинг ўз ифодасидир”. Албатта, бунда шоир шахсияти биринчи ўринда туради, биз воқеа-ҳодисани у орқали қабул этамиз.

Ўзбекистоннинг қайси гўшасига бормасин, Муҳаммад Юсуфни халқ илиқлик ва самимият билан кутиб оларди. Халқ ҳам шоирни севарди, шоир ҳам халқни чин дилдан эъозлаб ҳурмат қиларди.

Унинг шеърлари, халқ тарихини, ҳаёт оқимини ва халқнинг миллий урф-одати, руҳини ўрганишда ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қила олади.

1-олиб борувчи: Ташаккур. Мана, Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Ташриф буюргангиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ижодингизга зафарлар тилаб қоламиз. Ушбу арзимас совғамизни қабул қилиб олсангиз.

Устозга гул совға қилинади.

2-олиб борувчи: Ҳозир сизларга ўқувчимиз Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб “Ўзбекистон” шеърини ифодали айтиб беради. Марҳамат.

Ўқувчи: “Ўзбекистон” шеъри

О, ота маконим,

Онажон ўлкам,

Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.

Сендай меҳрибон йўк,

Сенингдек кўркам,

Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,

Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.

Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,

Тоғларинг ортимдан эргашиб юрар.
Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман мен ё бир содда касман мен –
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман мен.
На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан ҳаловат –
Уч кунда соғинсам нима қилайин,
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.
Билдимки, баридан улуғим ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг,
Араб оҳусидан азизроқ менга.
Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.
Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

1-олиб борувчи: Раҳмат. Келгуси ўқишларингизга, ижодларингизга омадлар тилаймиз.

2-олиб борувчи: Энди навбатни Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб “Ватан” шеърига ишланган ажойиб кўшиққа берамиз. Марҳамат.

Кўшиқ ижро этилади.

1-олиб борувчи: Келинлар, эндиги сўз навбатини Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповга берсак. Уларнинг ҳам ўқувчиларга, тадбиримиз қатнашчиларига Муҳуммад Юсуф ҳақида айтадиган сўзлари бор.

Абдулла Орипов: Маълумки, шеър – шоир оламининг моҳияти. У ижодкорнинг муайян кайфияти кечинмасидан дунёга келади. Шоир кечинмаларининг қоғозга қай шаклда кўчиши эса,

унинг тафаккури йўсинидан дарак беради, шеърларида ўзини намоён қилади. Хусусан, Муҳаммад Юсуф ижодида миллий руҳнинг халқона йўлда намоён бўлиши шоирнинг фикрлаши, турмуш тарзи, дунёқараши, бинобарин, руҳиятидаги талқинлар, хиссиёт мавжларини бошқача ифодалай олмаслиги далолатидир. Муҳаммад Юсуф шеърият назарияси, бадий санъатлар ҳақида кўп гапиришни унчалик хуш кўрмасди. Айниқса, бировга ундай ёз, бундай ёз деб насиҳат беришни жуда ёмон кўрарди. Унинг олдига ёш ижодкорлар узлуксиз келарди, лекин у ёмон шеър ёзибсан, деб ҳеч кимнинг дилини оғритмасди, салгина лаёқати бўлган, битта-яримта сатрни эплаб ёзган кишига ҳам доим ёрдам берарди. Шеъриятни чуқур ҳис этганидан, қалби ҳам шоирлигидан шундай қилар эди.

Муҳаммад Юсуф шеъриятини шартли равишда икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи давр Мустақилликкача яратилган асарлари. Иккинчиси Мустақиллик даври шеърияти. Унинг ижодида ҳар икки давр тарихий жиҳатдан ўзининг ўчмас изини қолдирган. Биринчи даврда озодликка интилиш изтироблари қаламга олинади, иккинчи даврда эса Мустақилликдан масрурлик, миллий ғурур, Мустақилликни кўз қорачиғидек асраш туйғулари мадҳ этилади.

Муҳаммад Юсуф ижодида Ватан мадҳи алоҳида ўрин тутади. Юраклардаги туйғулар – дастлаб онага, кадрдон уйига, ёрига бўлган муҳаббат улканлашиб, она юртга, Ватанга бўлган муҳаббатга айланади. Она юрт меҳри кишини шоир қилади. Шоирни эса ўтда тоблагандай тоблайтиди. Аслида Ватан мавзусида қалам тебратмаган шоир йўқ. Аммо ҳар бир шоир Ватан ҳақида ўз тилида куйлайди, ўз маҳорати даражасида талқин этади.

Муҳаммад Юсуф наздидаги Ватан бутунлай бўлакча. У куйлаган Ватан ҳамшиша катта ҳарфлар билан ёзиладиган яхлит

тушунчага айланади. Ватан сўзи унинг тилида мутлақо янгича янграйди.

Муҳаммад Юсуф шеърларининг мавзуи ҳаётдаги муаммолардан, одамларнинг изтироблари, дарду ғамлари, орзу хаёлларидан олинади. Шеърларининг бадий ифодаси эса бағоят халқона, содда. У деҳқоннинг жайдари тилида ёзади. Шунинг учун уни халқ севади, шеърларини ардоқлайди.

Муҳаммад Юсуф ҳақиқий халқ шоири эди. Халқнинг тилини топган, дилини топган шоирни халқ абадий унутмайди.

2-олиб борувчи: Ташаккур. Сиз орқали ўқувчиларимиз, катнашчиларимиз Муҳаммад Юсуф ҳақида анча маълумотга эга бўлдилар. Ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Ушбу арзимас совғамизни қабул қилиб олсангиз.

Устозга гул совға қилинади.

1-олиб борувчи: Энди навбатни ажойиб кўшиққа берамиз. Марҳамат.

Кўшиқ ижро этилади.

2-олиб борувчи: Катта раҳмат. Ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Келинлар, эндиги сўз навбатини Муҳаммад Юсуфнинг поэтик маҳорати бўйича илмий иш олиб бор(аёт)ган филология фанлари номзоди (аспирант ёки илмий тадқиқотчи) _____ га берамиз.

Фан номзоди (аспирант ёки илмий тадқиқотчи): XX асрнинг 80-йиллари охирида ўзбек адабиётига кириб келган Муҳаммад Юсуф ўзининг ижодий фаолияти мобайнида дoston, мадҳия, бағишлов, марсия жанрларида самарали ижод қилди. Унинг шеърляти халқимизнинг миллий ғурурини, ўз кадрлятлари, анъаналари, тили ҳамда маданиятига муҳаббат ва хурмат руҳини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бу ўринда Президентимиз И. А. Каримовнинг “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва

жамиятнинг энг муҳим вазифасидир” – деган фикрлари Муҳаммад Юсуф шеърятининг қимматини янада оширади.

Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганиш ўзбекнинг кўнглини яхшироқ билиш имконини беради. Муҳаммад Юсуф шеърятини киши сезгиларини нозиклаштиради, унда мураккаб туйғуларни туйиш кўникмасини шакллантиради.

Давр кўламининг кенглиги, қаҳрамонларнинг хилма-хиллиги, тарихий сиймоларнинг ҳаққоний, ҳаётий, мукаммал, тарихан аниқ тасвири Муҳаммад Юсуф шеърятининг муҳим хусусиятидир.

Муҳаммад Юсуф ихчам сатрларга чуқур ижтимоий-фалсафий маънони, бетакрор оҳанг ва нафис ҳиссиётларни жойлай билади.

Муҳаммад Юсуф ўз ижодида гоҳ халқ кўшиқларидан, лапарлардан фойдаланса, гоҳ халқ мақолларию ибораларини маҳорат билан шеърга сингдириб юборади. Шу билан биргаликда, шеърларни халққа тушунарли бўлган сўзлашув услубида ёзади ва шу тил орқали халқ дардини куйлашга интилади. Бу эса, шоир ижодини халқ қалбига яқинлаштирувчи омиллардан биридир.

1-олиб борувчи: Катта раҳмат. Ижодингизга муваффақиятлар тилаб қоламиз. Келинлар, эндиги сўз навбатини Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига қизиқувчи, унинг шеърларини, асарларини қизиқиб ўқувчи АКМ (АРМ, кутубхона)нинг фаол китобхонларидан бирига берсак. Китобхонимизнинг ҳам ўқувчиларга, тадбиримиз қатнашчиларига Муҳаммад Юсуф ҳақида айтадиган сўзлари бор.

Китобхон: Юртимиз бўйлаб Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Инчунун, ватанимизда унинг шеърлари ўқилмаган, кўшиқлари янграмаган кун, исм-шарифи тилга

олинмаган давра йўқ. Ўзининг қисқа ва мазмунли умрида шоир самимият чироғини ёқиб, мухлислари қалбини забт этиб, шуҳрат қозонди. Айтиш мумкинки, бу ўзига хос шоирнинг “Самарқанд”, “Ватаним”, “Кўкламойим”, “Мадина”, “Жайрон”, “Тавалло” ва бошқа асарлари кўпчиликка ёддош десак, янглишмаймиз. Муҳаммад Юсуф халқимизнинг гўзал фазилатларини бадий ифодалаб, унинг ўй-хаёллари билан яшади, унинг нуқтаи назари билан оламга сўз айтди.

Халқона оҳанг Муҳаммад Юсуф шеърятининг бош йўриғини белгилайди. Унинг шеърларидаги баландпарвозликдан холи соддалик ва самимият, иккинчи томондан, муסיқага яқинлик ана шу халқона оҳангнинг ўзакларидир.

2-олиб борувчи: Шеърлари кўшиққа айланиб, халқ ҳаётига сингишган шоирни бахтли дейиш мумкин. Муҳаммад Юсуф кўҳна халқ оҳангларига уйғун шеърлари билан ана шундай бахтга муяссар бўлди. Айниқса шоирнинг мустақиллик даврида яратган асарлари туғёнларга бойлиги, юксак пафоси билан алоҳида ажралиб туради. Ватанга муҳаббат, халққа фидоий фарзанд бўлиш, мустақиллик кадр-қимматини дилдан англаб фахрланиш ва азиз Ўзбекистонимиз мадҳи ушбу шеърларда ўзининг гўзал, содда ифодасини топди.

Мана, азизлар шоир Муҳаммад Юсуф ҳақида кўп нарсаларни эшитдик ва билдик. Шу билан, бугунги кечамиз ҳам ниҳоясига етди. Ташриф буюрганнгиз учун барчангизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Хайр, соғ-омон бўлинглар.

ДАВРА СУҲБАТИ

“Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёти ва фаолияти” мавзуида
давра суҳбатини тайёрлаш бўйича тавсиялар

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд кунига бағишлаб давра суҳбатини уюштириш мумкин.

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бир ой илгари бошланади.

Меҳмонлар (шоирлар ёзувчилар, адабиётшунослар) ва иштирокчиларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Адабиётлар кўргазмасидаги асарлар юзасидан шарҳ ҳам ўтказиш мумкин.

Давра суҳбати доирасида қуйидаги мавзулар бўйича чиқиш қилиш мумкин:

- Муҳаммад Юсуф ва ҳозирги ўзбек шеърияти.
- Муҳаммад Юсуф шеъриятида қўлланаган анафоралар.
- Унинг газета ва журналларда босилган шеърлари.
- Унинг турли жамиятлардаги фаолияти ва тугган мавқеи.
- Муҳаммад Юсуф шеъриятида миллий руҳ тасвири.
- Ватан мавзуси Муҳаммад Юсуф талқинида.
- Муҳаммад Юсуф шеърларида ибораларнинг қўлланилиши.
- Ҳаёти ва ижодининг сўнгги йиллари.

Тадбирни бошловчи кириш сўзи билан очади ва ташриф буюрган меҳмонлар (шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар) билан таништиради ҳамда сўз учун уларнинг бирига навбат беради. Меҳмоннинг чиқиши якунлангач, бошловчи маъруза юзасидан меҳмонга (шоир, ёзувчи, адабиётшунос) китобхонларнинг саволлари бор-йўқлиги билан қизиқади, саволлар бўлса, меҳмоннинг (шоир, ёзувчи, адабиётшунос) жавоби тингланади. Шу тарзда барча таклиф этилган меҳмонлар (шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар) тингланади. Давра суҳбати сўнггида бошловчи тадбирни якуний сўз билан тугатади.

УЧРАШУВ КЕЧАСИ

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд кунига бағишлаб шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунослар, билан учрашув кечаларини уюштириш мумкин. Кечага тайёргарлик одатда 3–4 ҳафта олдин бошланади.

Кеча ўтказилаётган залда кеча мавзуси бўйича китоб кўргазмаси ташкил этилади ҳамда кўргазмадаги адабиётлар шарҳи ўтказилади. Плакатлар тайёрланади. Меҳмонларга таклифномалар юборилади. Кутубхона, АКМ ва АРМларда учрашув кечаси уюштирилади ҳақида эълон берилади.

Учрашув кечасида тадбирни бошловчи олиб боради. У сўзга чиқиб йиғилганларга кечанинг мавзуси ҳақида қисқача маълумот беради. Сўзга чиқувчиларни ҳамда меҳмонларни йиғилганларга таништиради ва сўзга чиқиш учун улардан бирини таклиф этади. Шу тартибда барча сўзга чиқувчилар тингланади. Учрашув кечаси давомида Муҳаммад Юсуф шеърлари ифодали ўқилади ва ушбу ўқиш кутубхонанинг китобхони томонидан бажарилиши мумкин.

Тадбир охирида бошловчи кечада иштирок этганларга, шунингдек, барча ташриф буюрганларга миннатдорчилик билдириб кечани яқунлайди.

“Шеър – кўнгил ойнаси” мавзусида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. “Самимият ва муҳаббат куйчиси”.

Ушбу бўлимга Муҳаммад Юсуфнинг ижодий меросини ўзида мужассам этган ҳамда у ҳақидаги китоблар жойлаштирилади.

2. “Юракка кўмилар асл шоирлар”.

Бу бўлимга Муҳаммад Юсуф ҳақида вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалар қўйилади.

3. “Куй асрор, сўз эса тилмоч”.

Бу бўлимга Муҳаммад Юсуф шеърларининг ёзилиши, тарихи, шеърлар тўплами, сайланмалари қўйилади.

“Муҳаммад Юсуфнинг поэтик маҳорати”

мавзуида китобхонлар конференциясининг
намунавий сценарийси

Конференцияни ўтказиш тартиби: конференция китобхонларнинг эркин фикрлаши асосида ўтказилиши лозим. Бунинг учун норасмий муҳитни ташиқил этиши керак бўлади. Бу бошқарувчининг ташиқилотчилигига, маҳоратига, нотиқлик қобилиятига боғлиқ. Сўзга чиқувчилар расман эълон қилинмаслиги зарур. Бошқарувчи ҳар бир масалага, ҳар бир сўзга чиқувчига ўз муносабатини билдириб, уларни бир-бирига боғлаб борса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун бошқарувчи 1 ой мобайнида мавзу бўйича кўплаб маълумотлар билан танишишига улгуриши, сўзга чиқувчилар билан алоҳида ишлаши зарур. Сўзга чиқувчилар учун сўз матни аввалдан ёзиб берилмайди ва у ўқиб берилмайди. Конференциянинг бориши ҳақида баённома ёзиб борилади.

Конференцияни бошловчи қуйидаги сўзлар билан очиши мумкин.

Бошловчи: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон хапқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳам халқимиз кутган хужжат бўлди. Ундан наинки ижодкорлар, балки барча юртдошларимиз қувонч хиссини туйди. Бу ижодкорга берилган юксак баҳо, Муҳаммад Юсуф тимсолида бутун миллий адабиётимиз, шеърятимизга қаратилган олий эътибордир.

Бу ёруғ дунёда шундай инсонлар яшаб ўтганки, гарчи улар хозир орамизда бўлмаса-да, фазилату хислатлари, эзгу амаллари ҳақидаги гап-сўзлар тилдан-тилга кўчиб, ибратомуз воқеаларга, ҳатто ривоятларга айланиб кетган.

Ижодкорнинг бахти ўз асарлари билан халқ меҳрини қозонишида, Ватани эътирофига сазовор бўлишидадир. Унинг асарлари иккинчи умрини яшай бошласа бу энди, юксак саодат, десак, асло муболаға бўлмайди. Муҳаммад Юсуф ана шундай мақомларга том маънода эришган шоир.

Нафис ва бетакрор бадий асарлари билан тинч, фаровон Ватанимизни, унинг гўзал табиати ва халқимизнинг миллий кадриятларини тараннум этган Муҳаммад Юсуф ижоди, айниқса ёшлар орасида катта қиизиқиш билан ўрганилмоқда.

Келинлар, энди китобхонлардан Муҳаммад Юсуф ижоди, унинг шеърляти ҳақида фикр-мулоҳазаларини эшитсак. Марҳамат.

Биринчи китобхон: Шоир ўзбек шеърлятининг зийнати эди. Унинг каби шоирнинг шеърлятини билмаган кишини яхши китобхон, деб бўлмайди. У оддий сўзлар билан содда одамлар қалбини, маҳаллани, ўзбекни, ўзбекчиликни, яхши урф-одатларимизни, Ватанни ёниб куйлади. Айниқса, шоирнинг “Ватаним”, “Халқ бўл, элим”, “Дунё”, “Иншооллоҳ”, “Ўзбекмомо”, “Иқрор”, “Тилак” сингари ўнлаб ижоди чинакам шеърлят намунаси сифатида юртни қандай куйламок лозимлигини исботлаган асарлар бўлиб қолди.

Бошловчи: Раҳмат. Муҳаммад Юсуф Ватанни, истиқлолимизни баланд пардаларда куйлади. Унинг юксак эҳтирос билан битилган Ватан, мустақиллик, халқ ҳақидаги шеърляри қанча ёшларни шоир, қанча ҳофизларни ҳофиз қилганини-ку қўя турун, навосозлар тимсоли булбулни ҳам лол этгани аниқ. У Ватанни ана шундай куйлаб яшади.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Иккинчи китобхон: Муҳаммад Юсуф шеърятини кузатадиган бўлсак, унда, энг аввало, меҳрга зорлик, инсоний меҳрга ташналик ҳиссини илғаш қийин эмас. Унинг шеърларида тез-тез қўлланиладиган, қўлланиш даражаси мунтазам бўлган, меҳр-муҳаббатни уйғотадиган, шафқат ҳиссини кучайтирадиган образлар жуда кўп. Булар: “жайрон”, “оҳу”, “кийик”, “капалак”, “қалдирғоч”, “лолақизғалдоқ”, “ялпиз”, “юлдуз” кабилардир. Мазкур иборалар сатрдан сатрга, банддан бандга, шеърдан шеърга кўчиб юради ва шоир шеърятида маҳзунликнинг, маъюсликнинг, меҳрнинг тимсоли даражасига кўтарилган.

Бошловчи: Раҳмат. Чунончи, Муҳаммад Юсуфнинг оналар ҳақида, қизлар ва умуман олганда аёл киши ҳақида битган дардчил шеърларида юқорида таъкидланган образларни жуда кўп учратиш мумкин. Оналар, қизлар, сингиллар билан табиатан саралаб олинган образлар ўртасида ички яқинлик бор. Бу ички яқинлик ҳар икки томоннинг нозиклигида, ҳимоя муҳтожлигида, ардоққа зорлигида, эъзозга ташналигида, меҳр чанқоқлигида аниқ равшан кўринади.

Муҳаммад Юсуфнинг ижодидаги маҳзунлик, бу шеърларни ўқиб кишини ўртанишлари, раҳмини келтирадиган ифодалар, тасвирлар эҳтимол шоирнинг биографияси билан боғлиқ бўлса, не ажаб.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Учинчи китобхон: Муҳаммад Юсуфнинг ижодида сайқал топган асослардан яна бири муҳаббат мавзудир. Буюк файласуфлар таъбири билан айтганда, муҳаббат эски нарса, бироқ ҳар бир кўнгил уни янгилайди, янгидан кашф этади. Муҳаббат мавзудидаги шеърлардан шоирнинг қалами равонлашади, мавҳум туйғу конкрет шаклга киради, ўзлигини изҳор этаётган ҳис тилга киради. Муҳаббатнинг озорлари, фироку жафолари, васлу вафолари поэтик образларда,

кутилмаган сифатларда ўзига хос тарзда, таъбир ўрни бўлса, мухаммадона услубда ифода этилади.

Бошловчи: Раҳмат. Ҳа, Муҳаммад Юсуф ўз шеърияти билан бутун Ўзбекистонни, халқимиз қалбини том маънода забт эта олди! Муҳаммад Юсуф ўз овози, услубига эга санъаткорга айланиб, адабиётда такрорланмас из қолдирди, деб баралла айта оламиз.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Тўртинчи китобхон: Муҳаммад Юсуф ўз ижодини гарчанд ўтган асрнинг 80-йиллари арафасида бошлаган бўлса-да, у том маънода мустақиллик даври адабиётининг намояндаларидан биридир. Бу давр эркин ҳаёт шабадалари эсиб турган, истиқлолсевар аждодларимизнинг орзу-умидлари ушалган ва ушалаётган давр бўлгани учун шоир шеъриятида ҳам шу давр учун долзарб аҳамиятга молик бўлган фикр ва туйғулар устуворлик қилади. Унинг тасвиридаги Ватан совет даври шоирлари куйлаган Ватан эмас. Унинг тасвиридаги замондошимиз образи совет даври шоирлари яратган ватандошимиз образидан кескин фарқ қилади. Унинг шеърий тили ва услуби ҳам бўлакча.

Муҳаммад Юсуф шеъриятида соддалик ва аксилкитобийлик билан бирга, ўзбекона миллий ҳаёт ранглари, ўзи сингари содда ва оддий кишиларга хос инсоний фазилатлар ҳукмронлик қилади. Шубҳасиз, бу хусусиятлар бошқа шоирларимиз учун ҳам бегона эмас. Аммо худди шу нарса Муҳаммад Юсуф ижодида ўзининг ўта самимий, халқона ва миллий ифодасини топган.

Бошловчи: Раҳмат. Муҳаммад Юсуф шеъриятининг мавзу доираси тор эмас. Унда севги ва муҳаббат ҳамда она-юрт тароналаридан ташқари, ёшлик, табиат фасллари, кийик ва капалк сингари табиатнинг мўъжиза жонзотлари, инсон руҳий ҳаётининг турли ҳолатлари ўз аксини топган. Аммо ана шу

ранго-ранг мавзулар орасида, Ватан тароналаридан ташқари, икки мавзу устуворлик қилади. Буларнинг севги ва ёшлик нашидалари билан тўйинган мавзу бўлса, иккинчиси ёлғизлик, танҳолик, маъюслиқдир. Бундай нолалар Муҳаммад Юсуфнинг на устозлари, на тенгдошлари ижодида учрайди. Унинг ёшлик шўхликлари, ва эркаликлари билан тўла шеърларини ўқиган ва бу шеърларда шоир қалбини бор бўйи билан кўрган китобхон хайратга тушади, бунинг сабабларини англашга интилади. Бояги соддалик билан лирик қаҳрамон руҳининг изтиробли ҳолатлари ўртасидаги зиддият шоир қалбида сўнгсиз дард бўлгани ва, эҳтимол, бу дард аждодлари орқали ўтган қон зарралари билан боғлиқ эканлигидан дарак бергандек бўлади.

Энди навбатни кейинги китобхонимизга берамиз. Марҳамат.

Бешинчи китобхон: Муҳаммад Юсуфнинг ўзбек шеърлятидаги ўрни аввало, ажойиб кўшиқлари билан белгиланади. Шоир кўпинча ўз кўшиқларини ёзганида уларнинг ижрочи томонидан айтилишини ҳисобга олмайди. У кўнгли бўшагунча, илҳом чашмасидан оқиб келган жилғанинг кумуш мавжлари тугагунча ёзади. Унинг кўшиқнавис устозлари ва дўстларидан фарқи худди шундадир.

Муҳаммад Юсуфнинг халқ руҳини кўтариш, эътиқодини мустаҳкамлаш, уни янада олижаноб, пок, ҳалол кўриш истагида ёзилган асарлари талайгина. Бу фазилатларнинг яхлитлашган ҳолати эса “Ватаним” шеърлида ўзининг ёрқин ифодасини топади. Муҳаммад Юсуф Ватан ҳақида куйлар экан, бошқа шоирларга ўхшамасликка, улар айтаётган гапларни такрорламасликка ҳаракат қилмайди, албатта. Лекин, Ватанни Муҳаммад Юсуфга хос бир йўл билан, бир қалб билан тараннум этадики, тинглаган кишининг қалбида мудраб ётган ғурур, Ватанга бўлган муҳаббат торлари садо беради.

Бошловчи: Раҳмат. Конференцияга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Муҳаммад Юсуф Ватан портретини чизар экан, уни

шу Ватанда камол топган ва халқ томонидан эъзозланган шахслар тимсолида кўради. Ватан гоҳо Машраб бўлиб халқ бўйнидаги туморга айланса, гоҳо Навоий бўлиб камолотга кўтарилади. Гоҳо Яссавий бўлиб, хикмат дурларини сочади.

Шоир тарихга назар солишни ва улардан-да ватаннинг кадрига етишишни уқтирмоқликни хоҳлайди. Мозий қаърига бизни етаклар экан, кўз ўнгимизда Хўжанд дарвозаси Чингизларга беркилганлиги, Темур Малик Ватан деб Сирдарёдан кечиб ўтганлиги, Муқаннинг Ватан озодлиги учун жасоратлари бир-бир кинолавахалар сингари ўтади. Ватаннинг кадр-кимматини, эркини фақатгина шу юртда ўсиб-улғайган ўғлонларгина ҳимоя этишига ишонттиради. Бу эса бизга Ўткир Ҳошимовнинг “Бадий ижод шундай дарахтки, шоҳида умуминсоний мевалар етилади, илдизи эса, миллий заминда ётади” деган фикрларини ёдга солади.

Муҳаммад Юсуф маҳаллийчиликни ёмон кўрарди. “Мен ўзбекистонликман, ўзбекман денглар”, дерди ёшларга. Тўғри, бу ватанпарварликнинг олий нуқтаси, юқори поғонаси. Лекин киши ўз қишлоғи ёки вилояти билан самимий фахрланса, бунинг ҳеч қандай айби йўқ. Шу маънода, шоир ўз қишлоғини, умуман, Андижонни жуда-жуда яхши кўрарди, улар билан фахрланарди.

Мана, азизлар! Шу билан бугунги конференциямиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Ташриф буюрганнгиз учун миннатдорчилигимизни билдирамиз. Хайр, соғ-омон бўлинглар!

Кўрсатгичга йиғилган ҳужжатлар қуйидаги тартибда жойлаштирилди:

1-бўлим. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф асарлари

- 1.1. Алоҳида асарлари;
- 1.2. Шеърӣ тўпламлари;
- 1.3. Шоирнинг вақтли ва давомли нашрлари, тўпламларда босилган асарлари;
- 1.4. Мақолалари;
- 1.5. Таржималари;
- 1.6. Суҳбатлари.

2-бўлим. Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлар

- 2.1. Алоҳида нашрлар;
- 2.2. Шоир ҳақида вақтли ва давомли нашрлар, тўпламларда босилган асарлар;
- 2.3. Шоир юбилейлари;
- 2.4. Муҳаммад Юсуф ижоди бўйича ҳимоя қилинган диссертация ва авторефератлар.

Ҳар икки бўлимда шоир ҳаёти ва ижоди ёритилган адабиётлар хронологик, йиллар ичида эса алифбо тартибда жойлаштирилган. Ушбу методик-библиографик қўлланмадан фойдаланишда адиб асарларини осон топишга ёрдам бериш мақсадида унга исмлар кўрсаткичи берилди.

1. Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф асарлари

1.1. Алоҳида асарлари

Сайланмалари

2000

1. Сайланма: шеърлар, дoston. – Тошкент : Шарқ. – 264 б.

2001

2. Сайланма: шеърлар, дoston. – Тошкент : Шарқ. – 272 б.

2004

3. Сайланма: шеърлар, дostonлар, шоир ҳақида хотиралар / сўз боши муаллифи О. Шарафуддинов. – Тошкент : Шарқ. – 286 б.

2012

4. Сайланма: шеърлар, дostonлар, шоир ҳақида хотиралар / Муҳаммад Юсуф ; сўз боши муаллифи О. Шарафуддинов ; муҳаррир З. Мирзаҳакимова. – Тошкент : Sharq. – 285 б.

1.2. Шеърӣ тўплamlари

1986

5. Таниш тераклар: шеърлар. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашри. – 67 б. – (Авторнинг илк китоби)

1987

6. Булбулга бир гапим бор: шеърлар. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашри. – 76 б.

1989

7. Илтижо: шеърлар. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриети. – 64 б.

8. Илтижо: шеърлар. – Тошкент : Ёш гвардия. – 76 б.

9. Уйқудаги қиз: шеърлар. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриети, 1989. – 208 б.

1991

10. Ишқ кемаси: шеърлар / муҳаррир А. Қутбиддинов. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриети. – 224 б.

11. Ишқ кемаси: шеърлар. – Тошкент : Нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 221 б.

Мундарижа: Меҳр қолур, муҳаббат қолур; Муҳаббат боғига кирмадим бир бор; Юрагимда йўлбарс йиғлайди.

12. Кўнглимда бир ёр: шеърлар. – Тошкент : Ёзувчи, 1991 – 32 б. – (Назм гулшани).

13. Ҳалима энам аллалари: шеърлар ва дostonлар / муҳаррир Р. Субҳон. – Тошкент : Чўлпон. – 40 б.

1994

14. Ёлғончи ёр: шеърлар. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриёти. – 151 б.

1998

15. Осмонимга олиб кетаман: шеърлар. – Тошкент : Ёзувчи. – 143 б.

2000

16. Ўзингдан қўямасин, халким: шеърлар. – Тошкент : Адабиёт ва санъат нашриёти. – 102 б.

2004

17. Улуғимсан ватаним: шеърлар / тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Саломова ; сўз боши муаллифи А. Орипов. – Тошкент : “Ижод дунёси” нашриёт уйи. – 190 б.

2007

18. Халқ бўл, элим: шеърлар / тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Саломова ; сўз боши муаллифи А. Орипов. – Тошкент : O'zbekiston. – 206 б.

2008

19. Биз бахтли бўламиз: шеърлар / тузувчи ва нашрга тайёрловчилар : Назира ас-Салом, Мадина Муҳаммад Юсуф кизи. – Тошкент : Nihol. – 192 б.

2010

20. Улуғимсан, Ватаним: шеърлар / тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Саломова. – Тошкент : O'zbekiston. – 208 б.

2011

21. Биз бахтли бўламиз: шеърлар тўплами / тузувчи ва нашрга тайёрловчилар : Назира ас-Салом, Мадина Муҳаммад Юсуф қизи. – Тошкент : Nihol. – 192 б.

2012

22. Улуғимсан, Ватаним: шеърлар / тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Саломова ; муҳаррир Л. Игамова. – Тошкент : O'zbekiston. – 208 б.

Қорақалпоқ тилида

2004

23. Биз бахытлы боламыз: қосықлар / аўдарған Б. Сейтаев. – Ноқис : Қарақалпақстан. – 47 б.

1.3. Шоирнинг вақтли ва давомли нашрлар, тўпламларда босилган асарлари

1980

24. Келажак: шеър // Совет Ўзбекистони. – 11 сент.

1981

25. Бизлар олис чегарадан...: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1981. – 4 дек.

26. Кечикиш; Девор ошиб тушар экан нор йигит; Қани энди олов бўлиб қолсам мен; Қовушмаган икки тақдир: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 17 июль.

1983

27. Алвон гуллар исми инқилоб; Бир куни; Шифохонада: шеърлар // Ёшлик. – № 8. – Б. 7–8.

28. Шеър ишқи; Менга: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 29 апр.

29. Қуллуқ; Биласизми...: шеърлар // Шарқ юлдузи. – № 1. – Б. 144.

1984

30. Баҳор адирларда лола тераман; Дўстим Сирожиддинга; Қишлоқда: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 10 февр.

31. Жийда тагида: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 7 нояб.

32. Зокир бобо ҳикояси: шеър // Ёшлик. – № 11. – Б. 58.

33. Сартарошга соч олдирдим: шеър // Тошкент оқшоми. – 8 окт.

34. Чукурсой – чорсу ҳангомалари: шеърий луқма // Тошкент оқшоми. – 5 нояб.

35. Шеърий луқма: шеър // Тошкент оқшоми. – 24 сент.

36. Этиқдўзим ширин сўзим: шеърий луқма // Тошкент оқшоми. – 26 нояб.

37. Ўрмондаги мушоира: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 13 июнь.

38. Ўтан бобо; Баҳорда кўп оғир; Қодир...; Севги...: шеърлар // Ёшлик. – № 6. – Б. 65.

39. ...Ҳайрон бўлмам турна кишнаса...; Сендан хат йўқ: шеърлар // Шарқ юлдузи. – № 3. – Б. 206.

1985

40. Дунё бизга жўровоз: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 26 июль.

41. Илтижо: шеър // Саодат. – № 1. – Б. 2.

42. Истагим; “Ўттизга кирсам ҳам чақалоқдайман...”; Марҳамат; Люба: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 4 янв.

43. Оқшом: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 7 июнь.

44. Салом, байрам: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 8 нояб.

45. Сизни бу кун Ватан хотирлар: шеър // Тошкент оқшоми.
– 3 авг.

46. Тинчлик ҳақида уч шеър: шеърлар // Тошкент оқшоми. –
25 нояб.

47. Тўй: шеър // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 6 сент.

48. Тўрт ботир; Қирқ биринчи йил: шеърлар // Шарқ юлдузи.
– № 7. – Б. 164–165.

49. Ҳалима энам аллалари: дoston // Ёшлик. – № 8. – Б. 20–
22.

1986

50. Болакай тилаги: [шеър] // Тошкент оқшоми. – 26 апр.

51. Диёримга таъзим; Метин иродалар; Нозим ҳикмат
монологи; Саксонинчи йиллар комсомоллари: шеърлар // Шарқ
юлдузи. – № 12. – Б. 93–95.

52. Марҳаматлик деҳқон қизлар: шеър // Саодат. – № 3. – Б.
13.

53. Нидо; Синглимга хат; Бир кеча; Марҳамат: шеърлар //
Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 7 нояб.

54. Орзу: шеър // Тошкент оқшоми. – 31 май.

55. Таниш тераклар: шеърлар тўплами // Ўзбекистон
адабиёти ва санъати. – 7 март.

56. Хирмондаги бола; Уруш йилларининг жонон қизлари...;
Туғруқхонада; Мажнунтол тагида: шеърлар // Ўзбекистон
адабиёти ва санъати. – 20 июнь.

57. Қандай қилиб шоир бўлдим: ҳажвия // Ўзбекистон
адабиёти ва санъати. – 24 окт.

1987

58. “Азизамсан...”; “Кунлар ботар сендан дарак йўқ...”;
Нилуфар; Соғинч: шеърлар // Ёш куч. – № 6. – Б. 17.

59. Анжелика: шеър // Тошкент оқшоми. – 23 февр.

60. Сочлари оппоқ онам – Ўзбекистоним менинг; Орол; Йўқлов; Илтижо; Онамга хат; Севги...; Бор бўл...: шеърлар // Шарқ юлдузи. – № 11. – Б. 76–79.

61. Тиллақўнғиз; “Хаёл қандай яхши...”; Кинога кирмайман; Мадина: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 25 сент.

62. Қоғозбозлар; Муттаҳам; Яхши бола: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 25 дек.

1988

63. Армон: шеър // Ёшлик. – № 3. – Б. 64.

64. Бободехқоним; Ёкуб мерган; Олуца (Назир ота Сафаров хотирасига); Дўппи: шеърлар // Гулистон. – № 3. – Б. 20–21.

65. Дўппи; Ёзувчи дўстим; Муроджон Мансурович: шеърлар // Қишлоқ ҳақиқати. – 13 янв.

66. Инкилоб: шеър // Саодат. – № 11. – Б. 5.

67. Самарқанд: кўшиқ / Маҳмуджон Азимов куйи ва ижроси // Ёш ленинчи. – 20 июль.

68. Тўн; Файзулла Хўжаев; Соқов; Аёл зоти: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 30 сент.

69. Қора куёш: дoston // Ёшлик. – № 11. – Б. 16–21.

1989

70. Кўхна кудук: дoston // Шарқ юлдузи. – № 12. – Б. 102–111.

71. Она; Кумушбиби ноласи; Илёс; Ёр-ёр: шеърлар // Саодат. – № 10. – Б. 21.

72. Учрашувда ўқилган шеър: шеър // Муштум. – № 3. – Б. 9.

73. Ўзбек; Бригадир; Жайрон; Қизил гулхан: шеърлар // Тошкент ҳақиқати. – 18 февр.

74. Қандай йигит эдим-а; Ҳаммамиз ҳақда бир шеър; Ўзбекфильм; Абдулла Орипов хангомаси: шеърлар // Муштум. – № 9. – Б. 2.

1990

75. Бир қиз йиғлар; “Ғирот минган Гўрўғли...”; “Кетиб қолдим далага...”; Ҳайвонот боғи; Элим; Эртақ; Қарға: шеърлар // Ёш куч. – № 8. – Б. 10.

76. Кўнглимдаги ёр: шеър // Ёш ленинчи. – 14 февр.

77. Ният; “Тунда шеър айтишдек капалак билан...”; Қиёмат: шеърлар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 10 авг.

78. Томоғимда жоним турибди йиғилиб; Тараққиёт; Ўзбек; Тузалмайди дардим менинг...; Нега йиғлар қрим-татар дунёда?; Қўшиқ – қирқарлар; Туркман қиз; Оқибат: шеърлар // Муштум. – № 5. – Б. 6.

1991

